

R 496
1969 / 5

ГУЛИСТОН

№ 5 (29) 1969

Экз
№ 3





Ўзбекистон
Компартияси
Марказий
Комитетининг
журнали



R 496

№ 5 (29) май 1969

Эка
№ 3

Бу сонда:

Ленинни кўрганлар хотираси

Табаррук ташрифнома

Тошкентликлар таъзими

Жангда ёзилган ҳикоялар

Кимёгар

Шеърият шинавандаларига

Эллар, элатлар

Тўйхат

„Гулнинг тикани...“

АВТОРЛАРИМИЗ:

А. Аюпова, Г. Бакшеева, Ҳам-
дам Қўчқоров, В. Песков, Гул-
чеҳра Нуруллаева, Н. Водяненко,
Юнус Ражабий, Н. Абдурахмо-
нова, Миртемир, Комил Яшин,
Ҳамид Ғулом, С. Анорбоев,
В. Евенко, Ҳаким Назир, В. Бе-
резина, Э. Қиличев ва бошқалар.

Муқоваларда:

Биринчи ва тўртинчи бетларда — Май,
бахор, ёшлик байрами.

Г. Графкин фотолари.

Иккинчи бетда — Ленин районидаги Ильич
номли колхоз бригада бошлиғи Ҳафиз
Полвонов.

Рассом А. Винер.

Рангли саҳифаларнинг биринчи бети-
да — Қашқадарё яйловларида.

Иккинчи бетида — Сув ҳақида қўшиқ.

С. Безносков фотолари.

Келгуси сонда:

Буюк ташаббус

Ленин ёққан машъал

Мирзачўлда Ленин излари

Ильични ўйлаганда...

Тўққиз аср йўл босган китоб

Янги қиссадан парча

Бош муҳаррир: Асқад МУХТОР. Таҳрир ҳайъа-
ти: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ,
Воҳид ЗОҲИДОВ, Исқандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАММЕДОВ,
Иброҳим МУМИНОВ, Ҳамидулла НУРУЛЛАЕВ (бош муҳаррир
ўринбосари), Уктам Орипов, Рустам РАҲМОН (масъул котиб),
Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАММЕДОВ, Ко-
мил ЯШИН, Муҳаммадjon УРОЗБОЕВ, Тошмуҳаммад ҚОРИ-
НИЕЗИЙ.

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Бош рассом Э. РУЗИБОЕВ.
Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.

АДРЕСИМИЗ: Тошкент, 47, КАРЛ МАРКС кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбосари — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадний ва фан-маданият бўлимлари — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 10/IV-69 й. Босишга инозат берилди 13/V-69 й. Қоғози 70×108¹/₄. Ҳанжи 3,5 босма тобоқ.
Буюртма 266. Нусхаси 157115. Баҳоси 30 т. Р. 11098.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МУЪТАБАР ДАРГОҲ

Яқинда мухбиримиз А. Ақонова Тошкентда қурилатган Ленин музейининг директори, тарих фанлари доктори Туроб Жўраевга бир неча савол билан муурожаат қилди. Биз уша савол-жавобни эътиборингизга ҳавола этамиз.

САВОЛ — Музей қаерда қуриляпти. Туроб Жўраевич?

ЖАВОБ — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан, Тошкентда Москвадаги Марказий Ленин музейининг бўлими очилади. Музей Республика Министрлар Совети биносининг ёнбошига тушади. У бир томондан Самарқанд кўчасига, иккинчи томондан Ленин кўчасига қарайди. Бу бино республикамиздаги энг кўркам иншоотлардан бири бўлади.

САВОЛ — Музейни безайдиган одамлар ҳақида гапириб берсангиз.

ЖАВОБ — Музейни безаш Тошкентдаги «Рассом» комбинатининг ходимларига топширилган. Улар тўрт ой чамаси Москвада бўлиши. Марказий музей қошида эскизлар тайёрладилар. Уларга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Коник раҳбарлик қилляпти.

САВОЛ — Музей заллари, бу залларда нималар намойиш қилиниши тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

ЖАВОБ — Москвадаги Марказий Ленин музейининг тематик планлари Тошкент музейи учун асос қилиб олинади. Экспонатларни ҳам Марказий музейдаги сингари жойлаштирамиз. Бизга республикамизнинг таниқли олимларидан К. Житов, Р. Аминова, М. Назаров, Е. Мавлоний ва бошқалар яқиндан ёрдам беришмоқчи.

Музейда йигирма икки зал бўлади. Улар учинчи-тўртинчи қаватларни эгаллайди.

САВОЛ — Пастки қаватлар-чи?

ЖАВОБ — Пастда маъмурий хона, кутубхоналар бўлади. Шунингдек, лекция ўқиладиган, кино қўйиладиган заллар ҳам пастда жойлашади.

Биз Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолиятини тўлароқ кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Томошабинлар диққатига доҳиймизнинг

шахсий буюмлари, китоблар, газеталар ҳавола қилинади. Ҳозир Кремлдаги Владимир Ильич кабинети ва ишхонасининг макетини буюртма қилиб қўйдик. Ундан ташқари музей залларида Ленин голярининг Ўзбекистонда қандай амалга оширилганлиги, Туркистон ўлкасида асримиз бошида ташкил топган инқилобий ҳаракат тарихи, бугунги муваффақиятларимиз ҳам кенг кўрсатилади.

Шунингдек, томоша залларида 1905—1907 йилларда Туркистон ўлкасида партия матбуотининг яширин ва ошқора тарқалиши, «Правда»нинг босилиши, ўлкада социал-демократик ташкилотлар тузилиши ҳамда уларнинг раҳбарлари ҳақида кўп қизиқ нарсаларни кўриш мумкин. Туркистон ўлкасидаги биринчи большевиклар М. Морозов, А. Худаш, В. Сахаров, В. Дунаев, Я. Упмалъ ва бошқаларнинг сиёсий фаолияти ҳам акс этади.

Томошабинлар музейни айланиб 1912 йилда Тошкент атрофида бўлиб ўтган сапёрлар қўзғолони, 1916 йилдаги мардикорлик воқеалари, 1917 йил февралдаги буржуа демократик революцияси ва ниҳоят Туркистонда буюк Октябрь социалистик революцияси ва бошқа муҳим тарихий саналарга бағишланган экспонатларни кўришлари мумкин.


Музей хоналарида Туркистон Комиссиясининг ҳайноқ фаолияти, улуг доҳий йўлланмаси билан келган атоқли революционерлар: Ш. Элиава, Я. Рудзутак, И. Гусев, М. Фрунзе, В. Куйбишев ва бошқалар, маҳаллий партия ходимларининг республикамиз иқтисоди ва маданиятини кўтаришдаги жағовар фаолияти муносиб ўрин олади.

Кинозалда эса томошабинлар Владимир Ильич ҳаёти ва фаолиятга бағишланган ҳужжатли фильмларни кўришлари мумкин.

Келгусида Ленин музейи кенгайтирилади. Янги заллар очилади. «В. И. Ленин ва Шарқ хотин-қизлари», «Ўзбекистонда Ленинча миллий сиёсат тантанаси», «В. И. Ленин ва Шарқ» каби бўлимлар ташкил этилади. Қисқаси, бу халқимизнинг муътабар даргоҳи бўлади.

САВОЛ — Музей қачон ишга тушиши керак?

ЖАВОБ — Музей келаси йилнинг бошига қуриб битказилади. Доҳиймизнинг 100 йиллиги қунигача бу ақойиб қошона очилади.



ИЛЬИЧ—МУҲАРРИР



Мен бошда корректор, кейин Марказий органининг техник ходими бўлиб ишлаганимда, муҳаррир сифатида иш олиб бораётган Владимир Ильич билан яқиндан танишишга муяссар бўлдим. Унинг таҳрир ишнини масъул иш деб билишнни, партия мақсади учун курашда матбуотнинг қудратига нақадар юксак баҳо берганини чуқур тушунарди. Маълумки, Владимир Ильич Совет давлатининг бошлиғи бўлгандан кейин ҳам анкеталардаги «Касбингиз нима?» деган саволга «журналист», «адабиётчи» деб жавоб қилар эди. Бу унинг матбуотга чуқур ҳурмат билан қараганидан. У бошқалардан ҳам шундай ҳурмат ва масъулиятни талаб қилар эди.

Доҳиймининг, аввало, автордан ёритилган масалани марксистик нуқтага назардан яхши билишни доимо талаб қилишини айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Владимир Ильич ўзбекистонликни жуда ёмон кўрар эди.

Унинг иккинчи талаби: фикрларингни ўз сўзларинг билан ифодалашга ўрган, дер эди. Ҳар бир мақолада, хабарда янги ва жонли фикрни, жонли ва аниқ ифодани,

истеъдод нишонасини ва қизиқ фактларни қидирар эди. Агар шундай мақолани учратиб қолса, уни қайта ишлаш, авторни билан суҳбат қилиш ва унга хат ёзиш учун меҳнатини ҳам, вақтини ҳам аямас эди.

Владимир Ильич жуда талабчан муҳаррир бўлса-да, инжиқ эмас, автор ишига ҳурмат билан қарарди. Бирон мақолани таҳрир қилар экан, энг керакли тузатишлар билангина чекланар эди. Бу жиҳатдан Луначарскийнинг бир китобчаси муносабаби билан ёзган хати жуда қизиқ. Гарчи бу китобчада баъзи фикрлар эҳтиётсиз ифодаланган бўлса ҳам, китобча умуман Владимир Ильичга ёққан эди. Шунинг учун Ленин кўлэзгани «бўяб ташламади».

У Луначарскийга:
«...Сизнинг чиройи ва жонли қилиб ёзган нарсангизнинг бўёғини ўчириб, бузиб қўйишга истамадим»,— деб ёган эди.

Бироқ зарур бўлганида Владимир Ильич мақолаларни қайта-қайта ишлашни талаб қилар эди. Масалан, А. В. Луначарскийнинг бошқа бир мақоласи шу ҳолга тушгани эсимда. Луначарскийга «Вперёд» газетасининг нашр қилиниши тўғрисида мақола ёзиш топширилган эди. Бу мақола про-

грамм характерда бўлиши керак эди. Мақолада кичик бир ноаниқликка ҳам йўл қўйиш мумкин эмас эди. Шу сабабдан мақола авторни Владимир Ильичнинг кўрсатмасига мувофиқ, уни уч марта қайтадан ишлаб чиқди.

Владимир Ильич газетачилик ишидаги ҳар бир иқир-чирга ҳам катта эътибор берар эди.

«Марказий органининг ҳар бир сони,— деб ёзади Надежда Константиновна,— жуда батафсил, ҳар бир ҳарфигача мулоҳаза қилинар эди».

Фикрнинг равшан, қисқа ва аниқ ифодаланишига, сарлавҳаларнинг сермазмун ва тиниқ бўлишига, ҳарф танлашга, корректураларни тузатишга, газетанинг ўз вақтида чиқишига доҳий жуда катта эътибор берар, бу нарсаларни ўзи қаттиқ текшириб борар эди. Унинг ўткир кўзларидан ҳеч қандай «майда-чуйда» ўтиб кетмас эди.

Владимир Ильич қўлида қалам билан газетанинг бир сонига қанча ҳарф кетишини ҳисоблаб чиқар эди. Петит (майда ҳарф) камлигидан хафа бўлар, газета четларидан мумкин қадар камроқ жой қолдиришга уринар, сарлавҳага камроқ жой қолдиришни

тавл қилар, мақоладаги ортиқча сўзларни ва ибораларни бутунлай чиқариб ташлар эди.

У мақоаларни тузатишга гоят уста эди! Гарчи хати жуда майда бўлса-да, ҳамма тузатишлари, қўшимчалари, корректура белгилари аниқ қилиб ёзилган бўлар эди. Владимир Ильич ҳарф терувчи, кўчирувчи ва корректорлар меҳнатига, ҳар қандай меҳнатга бўлгани сингари, катта ҳурмат билан қарар эди. Шу сабабдан газета ходимларини соатлаб овора қилиб қўядиган сўз ва сатрларни қўлёзмага ҳеч вақт киритмас эди.

Владимир Ильичнинг газетхонлар юборган хатларни қандай ишлаганини сиқичлаб кузатганман. Аввал хатни тезгина кўздан кечириб чиқарди. Шундан кейин хатни қафти билан қоплаб, кўзларини қисган ҳолда тўппа-тўғрига тикилиб қолар эди ва афтидан, қизиқ, муҳим хат экан, деган қарорга келиб, бошқадан сатрма-сатр ўқишга киришарди. Шуну ҳам айтиш кераки, у вақтларда материаллар машинида босилмаган, қўлингча ишчиларнинг шовиб ёзган қўлёзмаларидан иборат бўлар эди.

Бир хил хатлар Владимир Ильични шу қадар ҳаяжонга солардики, у ўрнидан туриб кетиб, уй ичиди у ёқдан бу ёққа юра бошларди ва ўз-ўзига.

— Яхши нарса! Хат мана бундоғ бўптида! — деб кўярди.

Шундан кейин стол ёнига келиб, хатнинг айрим сатрларини яна бир гўздан кечириб чиқарди-да, ниҳоят, тузатишга тушиб кетарди.

Владимир Ильич ишчи муҳбирнинг тилидаги хусусиятни, унинг ифода услубини, масалага қарашини, далилларидаги конкретликини сақлаб қолишга ҳаракат қилар эди.

— Оддий қилиб, яна тўппа-тузуқ бадийчи ёзишларини қаранг-а! Қани энди бизлар ҳам шундай ёзишни ўрганиб олам! — дер эди Владимир Ильич. — Газета жонли тилга қанча яқин бўлса, шунча яхши! Авторнинг масалага бу томондан қаранглиги, сиз билан бизнинг хаёлимизга ҳам келмайдиган, бошқача ибораларни ишлатганлиги, далиллар келтирганлиги чакки эмас. Жуда яхши — асл моҳияти тўғри бўлса бўлгани!

Баъзан Владимир Ильич биргина сўз кўшар, биргина жумла киритар, охирига қисқалини қилиб хулоса чиқариб кўярди-ю, шу билан хабар «жизлвага кириб» бошқача бўлиб кетар, ўтир сийсий тусга кириб қолар эди.

Владимир Ильич ўз асарлари устида қандай ишлагани тўғрисида кўпгина ҳужжатлар сақланган. Одатда ҳар бир мақола ёзилмасдан олдин фикрлаш даврини, Владимир Ильич ибораси билан айтганда, мақола ҳали «сиёҳдонда» бўлган даъри ўтарди. Кўлингча у аввал асарнинг иланини ёки консептнинг тузиб чиқар эди. Владимир Ильич тамою битган қўлёзма устида яна бир неча ҳафтагаб ҳам ишлаётарди. Масалан, империалистик уруш ва социализм ҳақидаги биринчи большевистик китобга Владимир Ильич алоҳида аҳамият берган эди. 1915 йил 28 июлда Владимир Ильич менга: «Брошюра батамом ёзилиб бўлди», деб хабар берди.

Шунга қарамай, тайёр брошюрани ўз қўлида сақлаб тураверди. Сабаб? У брошюрани яна бир кўздан кечириб, яна бир ўйлаб кўриш, айрим жойларини тузатиш учун ҳар бир соатдан фойдаланмоқчи экан. Фақат август ойининг ўрталаридагина брошюранинг бош қисмини менга юбортирди.

16 августда Женевага ёзган хатнда яна: «Брошюрага баъзи бир қўшимчалар киритиш ва тузатиш керак эди», деб ёзди.

У брошюрага яна учта қўшимча, битта изоҳ ва учта илова юборди. Бундан ташқари, ўқиш учун китобчанинг корректурасини сўраттириб олди, унга тузатишлар киритди. Умуман у брошюра устида узоқ вақт ташвишланди, уни тезроқ босиб чиқариш учун ҳам бизни шошилтди, ўзи китобчанинг қайси бўлими қандай ҳарф билан териштиришга бош қўшди. Умуман айтганда, бу кичкинагина китобча устидаги иш 21 июлда 11 октябргача чўзилди ва шу вақт ичиде Владимир Ильич менга ўша брошюра ҳақида ўн бир марта хат ёзди.

ТАБАРРУК ТАШРИФНОМА

КУЗ ОЛДИМИЗДА саҳтиён муқовали китоб. Зарҳал билан ёзилган сарлавҳасини ўқиймиз: «Владимир Ильич Ленин кабинети ва хонасини зиёрат қилувчиларнинг таассуротлари». Беш жилд. Ҳар бирида ер юзидеги юзлаб турли халқларнинг вакиллари дастхат қолдирган. Бу таширфномага дунёдаги ҳамма тилларда ёдномалар битилган. Унда японларнинг иероглифлари, арабларнинг жимжимадор хатларидан тортиб, бутун Европа, Латин Америкаси ҳамда Осиё элу элатларининг ёзувларигача бор.

Бразилия коммунистларидан бири бу китобни варақлар экан, уни «Дунёда энг интернационал китоб», деб атайди.

Кремль доим гаваму бўлади. Бу ерда барча мамлакатлардан, дунёнинг узоқ-узоқ чеккаларидан келган ишчиларни кўриш мумкин. Улар Ленин хонасига ҳақиқий инсоний бир ҳаяжон билан кирадилар. У ерда келган ҳар дақиқа уларнинг хотирасида умрбод санлини қолади, табаррук таширфномага эса янги, ҳаяжонли сўзлар битилади.

Биринчи жилдининг илк саҳифаси СССР Олий Советининг депутаты, ўқитувчи Е. Цветкова ёзиб қолдирган сўзлар билан очилади. «Доҳиймиз ва устозимиз В. И. Ленин ҳамда унинг содиқ сафдоши Н. К. Крупская яшаган хона ниҳоятда оддий, бунда ҳар бир буюм кишида чуқур таассурот қолдиради. Соддалик ва саммиийлик доҳиймиз В. И. Лениннинг энг олижаноб фазилатларидан биридир».

В. И. Ленин хонасига ишчилар, колхозчилар, олимлар, талабалар келади. Улар бу ерда Ленин ишлаган шароит билан танишиш учун келадилар, шу билан бирга доҳий васиятлари қандай амалга оширилаётганидан ҳисоб берганде бўладилар.

1969 йилнинг 12 апрелида мамлакатимизда коммунистик шанбаликна асос солинганига элли йил тўлди. Бундан эллик йил олдин Москва—Сортировочная депосида Владимир Ильич Ленин биринчи тарихий шанбаликни бошлаб берди. Рязань темир йўлидаги Москва — Сортировочная депосининг коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳам бу китобга эсдалик ёзиб қолдирганлар: «Партияимизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин музейини зўр қизиқиш билан томоша қилди. Унинг мазмундорлиги, улғуворлиги бизни ҳаяжонга солди. «Улуғ почин» деб ном олган коммунистик шанбалик бизнинг депода бошланганидан бахтиёрмиз».

Биз Ленин ишига доим содиқ бўламиз. Ленин васиятларини ўз меҳнатимиз билан ҳаётга татбиқ қиламиз».

Музейни Улуғ Октябрь самараларини қўриқловчи Совет Армиясининг жангчилари, граждандар уруши даврида ёш Советлар республикасини ҳимоя қилган ватанпарварлар ҳам тез-тез зиёрат қилиб турадилар. Граждани урушининг иштирокчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-лейтенант С. Кривошеин бундай деб ёзади:

«Биринчи қаҳрамон отлиқ Армиянинг жангчилари, командир ва сийсий ходимлари Владимир Ильич Ленин хонасини чуқур ҳурмат билан кўздан кечиридилар. Доҳийнинг намтарлиги, олижаноблиги, донолиги бу хонадаги ҳар бир кичик буюмда ҳам сезилиб туради».

Музей очилган дастлабки кунларда бу ерда Кремлиннинг собиқ курсантлари келган эдилар. «Биз — семилли ва қимматли Владимир Ильични садақат билан қўриқлаган, Кремлиннинг собиқ курсант ва командири — В. И. Ленин яшаган тарихий хонани зўр қизиқиш билан томоша қилдик. Доҳий ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча эсдаликларини сақлашда гамхўрлик қилган КПСС Марказий Комитети ҳамда Совет Хукумати-дан гоят миннатдорим».

В. И. Ленин хонасини бориб кўриш собиқ Кремль курсантлари учун яхши анъанага айланб қолган. Улар ҳар йили апрель кунлари бу ерда келиб, доҳий ҳақида ўз хотираларини ўртоқлашадилар, ўзлари хизмат қилган йиллардаги воқеаларни эсга оладилар.

Музейни бориб кўрган ана-уна Шумскийлар бахтли ҳаёт нечираётганлари учун Владимир Ильич Ленинга миннатдорлик изҳор қиладилар. Шумскийларнинг тарқидири Ватанимизнинг кўпгина ўғил ва қизларига ўрнак бўла олади. Биз оддий ишчи ёки деҳқондан минглаб министр, академик, дипломат, фазо кемаларининг ихтирочилари етишиб чиққанини биламиз. Уларнинг музей Китобига ёзиб қолдирган сатрларини ўқинг:

«Биз, ана-уна Шумскийлар — Пётр, Василий, Константин, Иосиф — Улуғ Ватан уруши даврида бир самолёт экипажини ташкил қилган эдик. Доҳиймиз Лениннинг ёрқин сиймоси немис-фашистлар устидан ғалаба қозонишга илҳом берди. Давримизнинг энг олижаноб кишии шарофати билан биз қиндик, маълумотли бўлдик, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони деган номга эришдик: қадрдон Владимир Ильич, сенинг ёрқин сиймонг бизга доим йўлчи юлдуз!»

Комсомолнинг XIV съезди кунлари музейни ўзбек ёшлари ҳам зиёрат қилдилар.

«Кеча ВЛКСМнинг XIV съездида, — деб ёзади улар, — мамлакатимизнинг барча ёшлари номидан биз бутун дунёга шундай деб хитоб қилдик: «Ленин биз билан, унинг гоилари, унинг иши ҳаммиша қалбимизда». Бу мағрур сўзлар. Бу доим ва ҳамма ерда Ленин йўлидан бориб, унинг улғу орзуси бўлган коммунистна амалга оширувчиларнинг қасам сўзларидир».


Владимир Ильич Ленин хонасида бўлиб, қалбимизнинг энг теран жойида унинг нақадар содда ва буюм, гениал инсон эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Биз бу ерда нимакин кўрган бўлсан, барчаси диллимизни ҳаяжонга солади. Биз бу ерда бўлиш бахтига муассар бўлмаган ҳамма дўст ва ўртоқларимизга бутун нўрганларимизни гапириб берамиз».

Ленин йўлидан олга! Ленин ҳар доим биз билан! Ўзбекистон ССР делегатлари». Шундай қилиб ҳар кунни, йиллар давомида мамлакатимизнинг ҳамма бурчақларидан ҳар хил миллат вакиллари бу хонага келиб турадилар. Бу билан улар доҳиймиз В. И. Ленин ишига чин кўнгилдан садақат билдирадилар.

Г. БАКШЕЕВА,

Москва.



Тошкентда украин дўстларимиз барпо қилган муҳташам бинолардан бири.

ТОШКЕНТИМИЗНИ

МИНГ БИР КУН

Кўк тераклар қуламади
Зарба текканда,
Пок тилаклар қуламади
Уйлар чўкканда.
Тошкентликнинг иродаси
Улуғ дастёр,
Юртнинг барча шаҳарлари
Унга дўсту ёр.

Шоир Мақсуд Шайхзода ўша даҳшатли зилзила кунларида мана шундай деб ёзган эди. Чиндан ҳам «юртнинг барча шаҳарлари» баҳодир Тошкентимизга дўсту ёр бўлди, кўмакка шошилди. Жумладан, қардош Украинадан биринчи бўлиб Харьков қурилиш-монтаж поезди, сўнгра Киев, Одесса, Донецк, Луганск, Днепротетровск бинокорлари Тошкентга келишди. Улар билан бавабар қурилиш техникаси ҳамда қурилиш материаллари ортлган вагонлар украин еридан серқуёш юртимизга етиб келди.

Орадан қаҳрамонона минг бир кун ўтди. Украин биродарларимиз ўз ваъдаларига вафо қилиб, тошкентликларга 160 минг квадрат метр шинам уй-жой тухфа етдилар. Ҳозир бу уйларда тошкентликларнинг беш минг оиласи истиқомат қилмоқда ва: «Ажойиб уйлари-нгиз учун ташаккур, азизлар!» — дейишмоқда.

Яқинда украин дўстларимиз ўз юртларига — қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари олдида жўнаб кетдилар, неча юзлаб тошкентликлар уларни илиқ кузатишар экан, қўлларини кўксиларига қўйиб, оғир дамларда ёрдамга ошиққан қардошларимизга яна бир бор раҳмат айтдилар.

Ана шу қизгин хайрлашув дамларида мухбиримиз Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг парторги ўртоқ П. Вилецкийдан юртдошларининг Тошкентда олиб борган ишлари ва ўз таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Украина бинокорлари тошкентлик биродарларимизга ёрдам бериш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан адо етдилар,— дея сўз бошлади ўртоқ П. Вилецкий.— Улар Ўзбекистон ерида катта меҳнат эвазига барпо этилган кўп қаватли уйлар, болалар боғчалари, ясли ва магазинлари ёдгор қилиб қолдирмоқдалар...

Тошкентда табиий офат рўй берганида Совет Украинасининг минглаб ватанпарварлари зилзиладан вайрон бўлган шаҳарни тиклаш учун кўнгилли равишда йўлга чиққан эди. На ташкилий қийинчиликлар, на жазирама иссиқ бинокорларнинг ғайратини сўндирилмади. Тошкентликларга дастлабки уйлари тайёрлаб бериш учун қурилиш-монтаж поездларининг коллективлари ўртадада социалистик мусобақа авж олди. Луганск қурилиш-монтаж поездининг Леонид Нагорянский бошлиқ комплекс бригадаси 50 квартиралари уйни украин бинокорларидан илк совга этишга астойдил ҳаракат қилди. Бу ишда уларга Александр Карлов бошлиқ сувоқчилар яқиндан ёрдам беришди. Ниҳоят, ғалаба! Луганск баҳодирлари тошкентликларга дастлабки уйни топширдилар. Унга 50 оила кўчиб кирди. Мен уйга биринчи кўчиб кирган Норқўзи Бобоевнинг юрак сўзларини сирз унутмайман. «Қадрли украинналик биродарлар! — дерди у. — сизлар энг қийин дамларда бизга ёрдамга келдингиз, бунинг устига биринчи бўлиб бизга бошпана бердингиз. Ёрдамингиз учун таъзим ва қулдуқ».

Шундан кейин Киев, Одесса, Донецк, Львов, Винница қурувчилари барпо этган уйларга бирин-кетин оилалар кўчиб киришди.

Социалистик мусобақада қўлга киритилган ютуқлари учун Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги арафасида кўп минг кишилик «Укрстрой» трести коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпрофининг эсдалик байроғи топширилди. Биз бу юксак мукофот билан фахрланамиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ҳукуматига биз қурувчиларга бундай ғамхўрлик қилганлари учун миннатдорчилик билдирамиз.

Қаҳрамонона минг бир кун ортда қолди. Биз қуёшли ўлка пойтахти аҳолисининг: «Ёрдамингиз учун катта раҳмат, дўстлар!» — деган илиқ сўзларини ҳар кун ишитиб турдик. Биз бу қардошлик ҳисларини қалбимизда олиб қайтамыз, сизлар билан ўтган кунларимизни ҳаминша ёдда тутамиз, қадрли тошкентликлар! Биз сизнинг ажойиб шаҳрингизда дўстлик ва меҳнатнинг сўнмас ёлдорининг — украин квартиралари, шинам уйлари қолдириямиз. Бу уйлар украин ва ўзбек халқлари дўстлигининг мангу рамзи бўлиб қолади.

1966 йилги зилзила Тошкентга катта талафот етказди. 2 миллион квадрат метр уй-жой, яъни шаҳарнинг учдан бир қисми вайрон бўлди. Партия ва Ҳукуватимиз Тошкентни қайта қуриш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Ўзбек пойтахтини тиклаш учун бутун мамлакат энг моҳир қурувчиларини жўнатди. Қисқа муддатда 2 миллион 740 минг квадрат метр уй-жой, 50 мактаб, 45 боғча ва ясли бунёд этилди. Шаҳримизнинг 75 минг оиласи шинам, обод уйларга кўчиб кирдилар.

Бугун биз уларни кузатар эканмиз, икки қўлимизни кўксимизга қўйиб, „Химматларингиз учун балли, азизлар!“ деймиз.

ҚУРГАН ДУСТЛАРИМИЗГА МИНГ РАҲМАТ!



Тошкентдаги В. И. Ленин музейини қураётган бинокорлар:
(чапда) Владимир Загоскин ва Олег Минник.

Бу кўп қаватли биноларга кўчиб кирган тошкентликлар қардош
қурувчиларни бир умр эсдан чиқармайдилар.





Собиқ Лохутий кўчасида қурилган бинолар шаҳримиз кўрки бўлиб қолади.

С. БЕЗНОСОВ фотолари.

ДЎСТЛИКДАЙ

КЎРКАМ

Элда, дўстсиз бошим — тузсиз ошим, деган ҳикматли гап бор. Бунинг маъноси бениҳоя катта экан. Дўстсиз кишининг ҳаёти тузсиз ошдек бемаза, бемаъни бўлиши турган гап.

Тошкентимиз бошига табиий офат келганда, энди нима қиламиз деб ер чизиб қолмадик. Негаки, ўшандай оғир паллада кўз олдимишга аввало қон-қардош дўстларимиз келган эди.

Буғун мамлакатимизнинг чор тарафидан — РСФСРдан, Украинадан, Белоруссиядан, Болтиқ бўйидан, Тожикистондан, Арманистондан пойтахтимизга уста қурувчилар етиб келишди.

Ўтган ойлар, йиллар ичида қардошларимиз олиб борган баҳодирона ишларга ҳаммамиз гувоҳимиз. Шу тўғрисида Тошкент яна қаддини ростлади, янада серфайз, дўстликдай кўркам шаҳарга айланмоқда.

Бугун тошкентликларгина эмас, бутун Ўзбекистон халқи қардош қурувчиларга: — Бизларга кўрсатган буюк ҳимматиниз учун ташаккур! — деб қўлқў қилмоқда. — биз қарздоримиз, хизматингизга доим тайёримиз, қадрдонлар.

Бир санъаткор сифатида айтийки, қардош қурувчиларга бўлган самимий миннатдорчилигини янги асарларим билан билдиражакман.

Юнус РАЖАБИИ,
академик.

ЯЙРАБ ЯШАЙВЕРИНГЛАР

Саратов шаҳрида қурилиш билим юртини битирганимдан сўнг, Волганинг соҳилидаги катта қурилишда ишлаш бошладим. Тошкент эилзиласи ҳақидаги хабарни ана шу ерда эшитган эдим.

— Ўзбек дўстларимизга ёрдамга борсак нима дейсан? — деб сўрадим хотинимдан.

— Жуда яхши бўларди. — деди у қувониб.

Ўз ҳолимишча Тошкентга жўнаимиз деб турганимизда, Саратов қурилиш-монтаж поезди тузилиб, унга бизни ҳам таклиф этиб қолишди.

...Мана Тошкент ҳам бизга Саратовдек қадрдон бўлиб қолди. Бунга меҳнат ва дўстлик сабаб. Эру хотин бу ерда қанчадан-қанча муҳташам бинолар қуришда қатнашдик. Биз қурган уйлارда ҳозир тошкентликлар яшамоқда. Уларнинг кўпи билан таниш, қадрдон бўлиб олдик. Кўришсак, кўнглимиз яйрайди, турмушларини кўриб кўзимиз қувонади.

Яйраб яшайверинглар, азизлар!

Н. ВОДЯНЕНКО,
Саратов қурилиш-монтаж поезди
ғишт терувчиси.

МИННАТДОРМИЗ, ҚАРДОШЛАР

Эилзилагача Қашқар даҳасини билган ҳам бор эди, билмаган ҳам. Эдилликда бу жуда машҳур бўлиб қолди. Эилзила маркази деб аташадى уни.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлган эди. Ўша даҳшатли 26 апрель кечасидаёқ бу ердаги эски-туски уйлар дув тўкилди. Қанчадан-қанча хонадонлар бошпанасиз қолди. Уларга ким нажот берар экан?!

Орадан кўп ўтмай Россиядан кетма-кет қурилиш поездлари етиб келди. Россия бинокорлари худди шу Қашқар даҳасида иш бошлаб юбордилар...

Шу кунда бу ерга бр келинг-а! Эски даҳадан асар ҳам қолгани йўқ, ундан ишона бўлиб, ўт ўчириш бошқармасининг

кўп қаватли биноси турибди, холос. Мана бу муҳташам биноларнинг ҳаммасини россиялик қардошларимиз барпо этишди.

Собиқ Қашқар даҳаси ҳозирча «Марказ-4», «Марказ-5» деб аталмоқда. Мен оила аъзоларим билан «Марказ-4»даги 58-уйнинг 7-квартирасида яшайман. Бу уйда жами 56 хонадон роҳат-фароғатда кун кечирмоқда. Квартираларда тирикчилик учун барча қулайликлар бор.

Икки қўлимни кўксимга қўйиб, қўни-қўшинларим номидан ва шахсан ўз номимдан Россия қурувчиларига раҳматлар айтаман.

Н. АБДУРАҲМОНОВА,
«Ўзбексельмаш» заводи ишчиси.

ШОИРГА ТАЪЗИМ



Навқирон ўғиллар: меҳнат дўстлари...
 О, менинг овозим қалбга ҳаяжон
 Солса кошкйиди!
 Халқни кўрарманми овоз ва бардам,
 Ватаним устида балқирми бир кун
 Эзгу эрк юлдузи...

Нариқода Энага уйи. Яна шоҳ сатрлар ёдга келади. Меҳрибон ва муштипар Арина Радионова ҳар биримизга онадай қадрлон бўлиб қолган. Мана «Керн хийбони». — Александр Сергеевичнинг энг сеvimли сўқмоғи, доҳиёна илҳомига мададкор сукунат. Мана «Ёлғиз чинор» — яна болалигимиздан ёд олган сатрлар тилга келади: «Руслан ва Людмила»нинг бошланиши эсингиздами —

Денгиз бўйи, Ёлғиз чинор,
 Олтин занжир чинор тагида...

Ўтган йили бу сатрлар Михайловское ёнидаги яшил сайхонда ўзбек тилида янгради. Сайхонда 70 минг киши қилт этмай ўтирар эди...

Бу йил Пушкин поэзияси байрами яна ҳам улугвор бўлади. Чунки июнь бошида Александр Сергеевичнинг 170 йиллиги.

МИРТЕМИР,
 АСҚАД МУХТОР.

6 июнь — А. С. Пушкин туғилган кун. Шунинг учун ойнинг биринчи ҳафтаси шоир ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳамма ерларда Бугуниттғифо поэзия байрамини ўтказиш шонли анъана бўлиб қолди.

Бу байрамга Иттифоқимиздаги ва оламдаги ҳамма адабиётлар ўз шоирларини йўллайдилар. Ўтган маросимларда биз ҳам ўз адабиётимиз номидан иштирок этишга муяссар бўлган эдик. Байрам одатда Москва, Новгород, Псков, Ленинград ва Пушкин шаҳарларида ўтади. Биз бу гал биргина Михайловское қишлоғида бўлиб ўтган тантаналар ҳақида гапирамиз.

Маълумки, Михайловское — Пушкин илҳомининг «сокин гўшаси», унда шоир турли вақтларда икки йилча яшаб, ўзининг юзга яқин асарини ёзган. Биз борганда қишлоқнинг хушманзара йўл ёқалари палаталар, автобуслар, сершовқин ярмаркалар билан банд эди. Ўрмонларнинг яшил сайхонларида зиёратчиларнинг муваққат шаҳарчалари пайдо бўлган, самода шеър, музика, байрам қувончи янгарди. Автобусларнинг пешига «Таллин», «Москва», «Рига», «Минск», «Ленинград» ва бошқа ўнлаб шаҳарларнинг номлари ёзилган. Псков бу кунларда жаҳонда энг поэтик шаҳар, шеър маскани бўлади. Маҳаллий газеталарнинг хабарига қараганда, бу ерга дунёнинг ҳамма бурчакларидан юз мингдан ортиқ меҳмон келган эди. Улар Пушкин поэзиясининг ҳақиқий мухлислари, китобхонлар ва шоирлардир. Айтишларича, бу кунларда Псковда жон бошига иккитадан шоир тўғри келармиш.

Псковдан чиқиб, Ленинград—Киев йўли билан юз километрча шарқи-жанубга юрсангиз, Новгородка деган қадимий рус қишлоғига дуч келасиз, шу ердан чапга қараб асфальт йўл кетади. Яна йигирма километрдан кейин кўм-кўк ўрмонзор тепаликлар, ундаги қарағайзорда эса оппоқ оқариб Успенский собори кўринади. Шоирнинг хоки-поки мана шу қадимий собор деворлари ёнига дафн этилган. Сизни «Салом, эй навқирон, нотаниш авлод!» деган сўзлар кўтиб олади. Қарийб бир ярим асрдан бери бу ерга келиб кетган одамларнинг сон-хисоби йўқ, кучоқ-кучоқ гулга бурканган камтарин сағананинг атрофи доим гавжум, шу кунлари эса бу ерда юз минг одам таъзимда. Аммо жимжит. Тепада асрлик аргувонлар шовуллайти, холос. Собор ичидан болалар хорининг, сўнгра И. Козловскийнинг мунгли овози эшитилади. Оламнинг машҳур шоирлари ҳаяжонда шеър ўқийдилар. Осойишта, тантанали ва улугвор.


Бу ердан сал нарида гўзал Сороть соҳилларида машҳур Михайловское ва Тригорское усадьбалари. Пушкин даҳосини аллалаган бу сокин, муқаддас ерлар ҳозир давлат ардсига.

Кўрғонлар, қишлоқлар чорлайди мени,
 Боғчаларнинг яшил салқини,
 Дала-ю шаббода, дарё соҳили
 Ва барра ўтлоқлар чорлайди мени...

деб ёзган эди шоир бу жойларни соғиниб. Ҳақиқатан ҳам К. Паустовский ёзганидек, «Юракни сирли поэтик бир орзиқчи билан жимирлатадиган бундай оусда табиат гўшаси бошқа ҳеч бир жойда йўқ».


Бу мулк шоирнинг онасига О. А. Ганнибалдан мерос қолган эди. Лекин юз йиллар давомида хўжаликнинг анча пугури кетиб, вочор ҳолга келган эди. Пушкин севган бу қадимий қишлоқ ва унинг агрофлари совет ҳокимияти даврида қадр топиб, қайта тикланди, гуркиради ва «поэзиянинг Маккаси»га айланди. «Александр Сергеевич Пушкин — бизнинг буюк фахримиз ва мамлакатимиз маънавий кучларининг муқаммал ифодасидир» деган эди Максим Горький. Поэзия байрами кунлари бу сўзлар ҳамманинг кўнгида яна бир такрорланади.

Ҳар дарахти эҳтиёт билан сақланган паркдан, мажнун тоғлар ўраган зилол кўлчалар ёнидан ўтгандан кейин, тинч оқар Сороть соҳилида шоирнинг мемориал музейи келади. Музейда сиз Александр Сергеевич буюк қалбидан оддий халққа бўлган муҳаббат нақадар катга ўрин олганини сезасиз. Онегин билан Татьяна ҳам, Борис Годунов ҳам, Нулин ҳам, Разин ҳам шу ерда, мана шу хоналарда ўлмас образ бўлиб шаклланган. Бу ерда ҳамма нарса Пушкин сатрларини ёдга солади. Шоир шу ернинг сўлим табиатида, қашшоқ дехқонларида бутун Россияни кўради, уларга қараб ўй суради, уларга мурожаат қилади:



Александр Сергеевич Пушкин қабри.

«Евгений Онегин»да тасвирланган улкан дуб дарахти.



Янги шеърлар



Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

* * *

Мен сарой қураман, шоҳона бир сарой.
Ҳеч кимга айтмаган юрак сўзларимдан
Ғишт куйиб тераман.
Деразаси эса ёнган кўзларимдан.
Бутун маҳоратим унга бераман.

Мен сарой қураман, шоҳона бир сарой.
Унинг безаклари — зарҳал бўёқлари —
Табассумим бўлар.
Гулларим — гилами. Майли, оёқларинг
Босиб ўтсин. Ахир сеняки улар.

Саройимда бўлар севги номли мезбон.
Мудом иккимизнинг исминизни айтиб
Оқади ашула.
Бошинг узра, эркам, биллур қандил этиб
Юрагим осаман. У тўвар шуъла.

Олдинда неча йил умрим турган бўлса,
Остона лсайман. Ҳар йилим бир зина.
Улар пойингда.
Умрим пойингда-ю, юрагим шифтда
Кезиб юрагингда шоҳ саройимда.

Умрим пойингда-ю, юрагим шифтда.

* * *

Ииллар жилловини тутувчи йўқдир.
Умр ўтаборар.
Биз-чи, боламиз.
Минутдай кичик бахт,
Иилдай катта бахт.
Бўйимиз чўзар-у, ўсаборамиз.

Бахт яхши. Лекин у — бутуннинг ярми.
Биз ярим катта-ю, ярим боламиз.
Минутдай кичик дард,
Иилдай катта дард
Ақлимиз чўзар-у, ўсаборамиз.

* * *

Нур мисоли чирмайсан мени.
Хуморингдан бўлмай-да хазон:
Нур йўлининг кичик тўсиқдан
Узлиши қанчалар осон.

Япроқдаги шабнамсан худди:
Беғуборлик ёлғиз сенга хос.
Япроқдаги шабнамсан худди:
Тўкилишиг ҳеч гапмас бехос.

Ё бўлурман севгинг-ла хуррам,
Висолингга тўйиб ўтарман.
Еки бехос тушириб қўлдан,
Умр бўйи куйиб ўтарман.

* * *

Ёмғир ўлдирари.
Ёмғир қўлдирар.
Мунча бераҳм у. Мунча меҳрибон.
Олов тўйдирари.
Олов куйдирар.
Қанчалар саҳни у, қанча қаҳри бор.

Қизиқ, ҳар нарсада манфий ва мусбат
Нур ва соялардан иборат олам.
Ўзим-чи?
Мен — севги!
Мен яна нафрат!
Кимлигим ўзинга боғлиқдир, одам!

* * *

Қуёш ёдга тушар,
Қор ёдга тушар,
Ўйлаганда сени, жонгинам.
Бири ерга нурун жимгина тўшар,
Ер деб эрир бири жимгина.

НУРБЕК

ҲИҚМАТГА МОИЛ БАИТЛАР

* * *

Кексаларни зинҳор хор қилма қошингда,
Насиб қилса, бир кексалик бор бошингда.

* * *

Булоққа лой ташлаб, кўзин ёполмайсан,
Қундан ғийбат бошлаб, айбин
тополмайсан.

* * *

Пойгада от чопай,
Чавандози обрў топади.

* * *

Дўст билиб юргандим — ёв бўлиб чиқди,
Кўприк деб тургандим — ғов бўлиб чиқди.

* * *

Тураверсанг тизсанг толади,
Юраверсанг изинг қолади.

* * *

Хусн қалбда, кўзда, қошда бўлади,
Ақл эса фақат бошда бўлади.

* * *

Омад борда назар қилур ёмон,
Омад кетса, ҳазар қилур ёмон.

* * *

Ақли камлигидан ҳеч ким нолимас,
Бу — ҳамма ақлли деган гап эмас.

* * *


Даққи эдим,
Даққи едим.

НОНУШТА...

С. БЕЗНОСОВ фотоси.







МЕНИНГ КАСБ-КОРИМ

Ўз касбини жуда севаман. Менимча, касб-нор ва инсон ҳақида гап борганда, бу гоят муҳим.

Менинг отам темир йўлда машинист бўлиб ишлайди. Унинг намунали хизмати учун олган маътов ёриқлари анча-мунча. Аммо отам деҳқон бўлиб ер ҳайдаган йилларини ҳанузгача гоҳ қувониб, гоҳ соғиниб эслайди. «Азонлаб турасан, Шудгор. Ғира-ширада оқ отингинина пайқайсан. Омоҳ нетидан қолмайсан. Атрофингга қарасанг, пушталар қўйш нўтарила бошлаганда худди мой суртилгандай ялтираб кўринади. Тушда бир соат-ярим соат арава солсида чўзилиб ётасанда, осмонга тинчласан, қарабсанки, сўфтўргайлар қанотларини пирпиратиб, ҳавони тилиб ўйнашади...» Отамнинг бу гапларидан ҳамма вақт унинг деҳқончиликини қўсашини пайқайман. Мен омоҳ ушлаб ер ҳайдаганим йўқ, аммо, чамаси, мана шу тупроқ ва шудгор исини бир умр соғиниш, қўшлар сайрашию ранг қайтарган бошоқларнинг шовуллашини қўсмас ҳисси бизга оталаримиз қони билан мерос бўлиб ўтган кўринади.

Мен ўз касбини отам асарлиқ медалларини ишларатиб урушдан келган кунларда танлаганман. У фарзандига йўл-йўриқ кўрсатолмади, негани ўғли унга аллақандай сирли туюлган эди. Урушга жўнаганимда ўғлининг қўлчасига бир булак қанд тутказиб кетган, қайтиб келганимда эса қувончдан ҳамма қатори ўғлига ҳам бир станан самогонка қўйиб узатди.

Ҳарқалай, мен энг муҳим гапни отамдан эшитдим. «Бахт шуки, киши ўз ризқини кўнглига ёққан меҳнатдан толади».

Аваллига менинг севган ишим — болалар билан ишлаш бўлиб кўринди. Пионер вожатий бўлдим. Сўнг — киномеханик, фотограф. Газетага ҳавас учунгина кирдим. У ёғи, Чапек айтганидай, ўз-ўзидан юришиб кетди. Ёзиб келган хабаримни, тавба қилдим, босиб чиқаришди, устига устан яна бирон нарса ёзиб келишни тайинлашди. Бир ойдан кейин баланд бўйли ёш муҳаррир кабинетига чақирди. Газетада ишлашни хоҳлайсизми деб сўради. Муҳаррир мени калана қилапти деб ўйладим...

Бир ҳафта ўтар-ўтмас газетада хато ўтнашиб юборганим учун менга вивогор эълон қилишди. Яна бир ойдан кейин олти вивогорлик бўлдим. Яна вивогор беришини маъноси қолмаган эди. Муҳаррир олдинга арза кўтариб кирдим: «Ўз хоҳишим билан...» Муҳаррир қозоний йиртиб ташлади-да, ёнимга келиб ўтирди.

«Менга қара, сендан ўзини сўрайман, бундан бу ёғига хато қилмагин...»

Газетадан ишлаб топган биринчи маошимни онамга берганим, санаб кўрди-да, ҳар сафаргидай, тинув машинасининг галадонига яширмади, олиб бориб стол устига қўйди. Отам нелди. Тун бўйи хавотирланиб шивирлашиб чиқди. «Ёзиш-чиқиш» билан ҳам отамнинг маошчилик пул топиш мумкинчилигига онам ҳеч ишонгиси нелмасди.

«Уч туну нун одиллаб, уч туну нун кўз юммай...» Қўшиқда айтиладиган гапми ё ростдан ҳам шундайми? Ростдан ҳам шундай. Бир йил космодромда тўрт неча-кундуз кўз юммадик. Ухлагаша фурсат бўлмади. Кундузлари — воқеанинг шохиди бўлди. Сўнг ёзиш-чиқиш, меҳнат. Сўнг ёзганимни телеграф лентасига айтиб туриш. Сўнг бекам-кўст газетага етиб бордимикин, деган хавотирлик. Кейин эрталинка ҳозирлик кўриб қўйиш тавишини. Ухлагаша нари бурса бир соат-икки соат вақт қолади, лекин ухлаш қабқида дейсиз, ҳис-ҳаялсон зўрлигидан уйку қочиб кетади.

Қўриқда қор эриган маҳал ўттиз беш километр масофани пайда босдим, дамба-дам этганини ечиб, сувини тўкиб олман.

Антарктидага борганимда репортажларни самолётда ёзиб, самолётда туриб Москвага айтиб берадим.

Ҳа энди, сафарга чиққанда шунақа бўлса керак-да, редакцияга қайтганда дам олиш мумкинидир, ахир? Йўқ! Агар сиз тунда редакция ёнидан ўтган бўлсангиз, ойналарда қирққоқ шуъласи тушиб турган пайларни кўргансиз, албатта. Ҳа, журналист ҳамон ишламоқда!

Обуначи газета чиқмай қолган пайтни эслай олмайдик. Қандай ҳодиса юз бермасин, газета чиқадик! Декам, журналист сафарга отланиши, об-ҳавонинг афт-ангорига қарамай қабқиқдир шоишини керак! Ўз иззат-нафасини кўрбон қилиб бўлса ҳам, эшикдан ҳайдаса, тешикдан кириб бориши лозим. Сурунчасига дам олмай ойнаб ишлайсан. Соғлигинг

чатоқ бўлса-да, утириб ётасан. Хали бир қатор ёзиб улгурмасингдан, пастдан, босмақонадан телефон жиринглаб тиқилчилик қилади:

— Қарил, тезроқ бўл! Сенга бир юз йигирма йўллик жой сақлаб турибмиз.

Езаверасан. Кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас, бир юз йигирма йўл бўлиши керак. «Шошилич, шу сонга!» Шу натыйя уч сўз сени босим ўтириб ёзишга қистайди. Столга мунка тушиб ўтирасан. Кўчада эса байрам. Ёш йигитчалар бадмингтон ўйнашппти, туристлар юкнини орқалаб ўтиб нетишди... Май куни. Шу топда қани энди бойчечан қидириб юрган ёки баҳор тошқинларининг шовуллагига қўлоқ тутиб турган бўлсанг. Иложинг йўқ! Топшириқ олгансан: «Шошилич, шу сонга!».

Бунинг эвазига мен бошқа бир нарсадан жуда қувонаман — тунда бутун шаҳар уйкуга кетганди газетанинг янги сонини кутаман. Улкан бино титраганини эшитаман. Ротация машинасини юргизишди. Бу дақиқаларда редакцияда биров кўрмаган-билмаган демократизм ҳуқуқ суради. Бош муҳаррир қонасига кирасани, унинг столида ётган сизгарадан олиб чекасанини, оёқларининг чалиштарини ўтирасанини, бўла-бўлмас гаплардан гаплашасанини — ҳаммаси мумкин. Кўплашиб қилинган ишда чарчасанг бир-бирингга жуда яқин-қадрдон бўлиб кетасан. Газетани нута бошлаймиз. Мана, уни олиб келишди. Ундан бўёқ эли аңчиб туради. Биз газетани биринчи бўлиб ўқиймиз. Уни ҳали эл кўргани йўқ, аммо у бор, тайёр. Матрицалар самолётлар қанотида учляпти, ротация машиналари гир-гир айланиб, газета босляпти. Сенинг ёзганингни бир неча миллион одам ўқийди. Бу фикрдан гоҳо қувонасан, гоҳо уйга толасан.

Менинг газетам. Тунда бизнинг уйимиз баҳайбат немага ўхшайди. Ойналардан нур ёғилиб туради. Менинг палубад олтинчи қаватда. Менинг иш столи, дўстларим шу ерда. Мен нимани билсам, нимани кўрсам шу ерга олиб келаман. Бу ерда мени танқид қилиб савалашади, кўнглини кўтардиган сўзлар айтишади. Мен бу ердан қабқиқа кетсам ҳам, барибир қайтиб келаман. Қабқиқиб нималар бўлса, ҳаммасини шу палубадан олганман. Мен бир нарсани аңчиб эслайман: бир кунмас бир кун бу немага янги матрос келиб, ўзининг туради, мен эса қирғоққа жўнайман ёки тинчроқ немага ўтаман...

Олтинчи қаватдаги палубадан кўп кишилар ўтган. Кўплари ундан матбуотимиз капитанлари бўлиб кетдилар, бироқ уларнинг қайси биридан «ҳаётингнинг энг яхши кунлари қарда ўтган?» деб сўрасангиз ҳам, албатта «Комсомолка»да дейишади. Менинг газетам — худди биринчи муҳаббатга ўхшайди.

Йўлдаги ҳаёт. Менинг икки ён қўшим бунақа ҳаётга турлича қарашади. Пенсионер Тимофей Антонович Метелкин сафардан қайтганимни эшитган ҳамон чой қўйиб, таасуротларимни тинглашга ошиқади. Ҳамма вақт диққат билан эшитади, охирида «Э шунақам, Бай-калнинг суви туб-тубигача тиниқ дегин!» деб хўрсинади. Қарил аллақайси китобдан бир шеърни менга атай қирқиб олибди:

Уй ичида бўғилади нафасим,
Уйда ўралишин одат қилмадим.
Мендан йўлнинг аңғийди исси,
Эски машинадай, тиним билмадим.

Қарил бу шеърни бизнинг касбимиз ҳақида ёзилган деб юради. Бошқа бир қўшим бунақа ҳаётни ёқтирмайдик. «Йўл юравериб ади тамом бўласан» дейди. Бу ҳам тўғри. Ҳар сафар юрагининг бир парчасини ташлаб келасан. Тавба, уни нега сақлаш керак? Ким учун сақлаш керак?

Ўзимга касб танлашда янглишмадим. Касб-норим мени тўйдиради, менга қувонч бахш этади. Мен меҳнат қилгилман, ўтган кунларим учун ҳаммаша ҳисоб бера оламан, шунинг учун умум ҳалиқ дастурхоний атрофинга ишчи сифатида ўтира оламан.

Менинг касбим — номмунист газетчиман. Менинг голям — партиям голясидир.

Менинг фаҳрим: Ленин. Касб-норинг нима деб сўраганлариди ЖУРНАЛИСТ деб жавоб бераман.


ТОШКЕНТ ОВОЗИ

Ҳар куни «Тошкентдан гапираммиз!» деган хабар 11 тилда — ўзбек, рус, тожин, қозоқ, татар, уйғур, форс, ҳинд, урду, араб, инглиз тилларида янграйди. Тошкент овозини мамлакатимиз меҳнатнашлари ва хорижий элларда зўр иштиёқ билан тинглайдилар.

«Гулистон» республикаммиз радио ва телевидение ходимларини Радио кунни билан қизгин табринлайди.



ТОШКЕНТДАН
ГАПИРАМИЗ!




ГОВОРИТ
ТАШКЕНТИ!



ТАШКЕНТТЕН
СӨЙЛЕП ТЎРМЫЗ!

«Қодир Маҳсумов ўқийди...»



Мана, чорак аср ўтибдики, радиодан бизга таниш бир овоз янграйди. Унга ҳамма ўрганиб қолган. Қўз илғамас водийларда, баланд чўққиларда, гушан боғларда, гавжум хиёбонлар ва истироҳат майдонларида — ҳар ерда «Қодир Маҳсумов ўқийди» деган қалима оштилган ҳамон. Биз ҳозир энг яқин дўстимиз билан учрашадигандек, қўнғимизда илиқ бир ҳис туямиз.

Қодир Маҳсумов радио тингловчи билан эркин, табиий, ёқимли «суҳбатлашади», эшиттиришнинг асл моҳиятини етказишга, ҳаяжонлантиришга эришади.

У завқ билан, ифодали ўқийди. Бу завқ, беихтиёр, эшитувчига ҳам «юқади».

Ва ниҳоят, дикторнинг табиий тиниқ, янгроқ овози ҳам тингловчини жалб этади, ихлосини оширади.

Радиожурналистлар орасида бир гап бор. «Яхши диктор ёмон текстнинг ёмонлигини яширади» дейишади. Ёмон текстга ҳаммамиз қаршимизу, лекин мана шу гапда жон бор. Тинглаш, таъсирланиш учун ўқиш маҳоратининг аҳамияти жуда катта. Агар асар яхши бўлса, унинг устига у яхши ўқилса, бу эшиттиришнинг таъсир кучи зўр бўлади. Қодир Маҳсумов авторларнинг ана шундай ёрдамчиси, яъни журналистларга соавтор десак бўлади.

Қодир акани машҳур қилган яна бир нарсаси — газалхонлик. «Навоий лирикаси», «Машраб лирикаси», «Гурбатда Фурқат...» Бу эшиттиришлар ҳозир етти яшардан етмиш яшаргача таниш, десак маҳоват бўлмас. Ўзбек Левитанининг овози битилган магнит ленталари бу ҳассос сўз устасининг санъатини йиллардан йилларга элтади.

«Тошкентдан гапираммиз! «Навоий лирикаси», деган эшиттиришимизни бошлайммиз» деган сўзлардан кейин мунгли, жуда мунгли, Навоийнинг ўзидай доно ва нуруний, Навоийнинг сўзидай боқий мусиқа сизиб чиқади. Куй ичидан Қодир Маҳсумов эниб ўқийди;

Меҳр кўп кўргузим, аммо
Меҳрибоне топмадим.



منا طمقند




ايچا تامقند است



ТАШКЕНТТЕН
АЙТАМЫЗ



RADIO TASHKENT
CALLING!



ИН ЧО ТОШКЕНТИ

ТОШКАНДИН
СЎЗЛАВОТИМИЗ

**Жон баса қилдим фидо.
Оромижоне топмадим...**

Шоир, газал тили билан кўнгил жароҳатларини баён этади, чархи кайрафтор ичра бир мунис, бир мўшфиқ, бир соҳиби дил тополмаганидан фарёд қилади. Қодир Маҳсумов эса, бу фарёдга қалбининг бутун ёлқинини қўшиб, Навоий тилидан сўйлайди, Навоий дурдоналарига жон киритиб, юракларга ларза солади. Кўз олдингизда «Гам била жонимга еттим» дея буқчайиб турган маънос, дошишманд, суюкли ва дийдалари ёшли бир мўйсифид гавдаланади...

Мангу ошиқ ва исёнкор Машраб, жаҳонгашта Фурқат, Муқимий, Рафур Гулом, Ҳамид Олимжон... Бу алломаи замонларнинг назмий тароналари Қодир Маҳсумов ижросида эллардан элларга, диллардан дилларга қанот бойлаб учади. Бундай «қанот» учун фақат завқнинг ўзингина камлик қилади: илҳом, энг асосийси, поэзияни дилдан ҳис этиш, чуқур англай билиш, машқ қилиш лозим. Бу сифатлар Қодир акада мужассам.

Қодир Маҳсумов 40-йилларнинг бошида радио даргоҳига қадам қўйган эди. Мана, ҳозир у — камолот босқичида. Бу камолотни ҳукуматимиз муносиб қадрлади: унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

Олис-яқин ерларда Қодир ака ҳақида кўп яхши гапларни эшитиш мумкин. Чиройли бир газал битилса, «Қодир Маҳсумов ўқийдиган экан-да» деб қўйишади. Даврада бирор хушовоз ё чечан одамларни оғизга қаратиб қўйса, «Қодир Маҳсумов бўлиб кет-е!» деб олқишлайдилар. Ҳа, халқимиз ўз хизматкорини, ўз фарзандини севади.


Одамларга севинч бағишлаб яшайдиган одам энг бахтиёр, дейдилар. Шундай бахтиёрлик Сизни ҳеч қачон тарк этмасин, Қодир ака!

С. СОДИҚОВ.



به ريد پو تاشقندى


به ريد پو تاشقندى



Тошкент шаҳрида Ўрта Осиёда энг баянд телевизион минора қурилади. Бу миноранинг баяндлиги 350 метр бўлади. Ҳозирги замон техникаси билан мустаҳкам қилиб ишланадиган бу ажойиб иншоотнинг энг учида бешта телевизион, битта радио эшиттириш антеннаси ўрнатилади. 100 метр баяндликда киши кўзига бутун шаҳар, унинг атрофидаги гўзал табиат манзаралари намоён бўладиган майдончада 150 киши синадиган ресторан жойлашади.

Бу иншоот лойиҳасини тузишда Совет Иттифоқининг бир неча лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот институтлари иштирок этдилар. Телевизион ва радио эшиттириш минораси Тошкентнинг шарқи-шимолида — «Победа» истироҳат боғида қад кўтаради.

ИЛК ЯКУН



Комил ЯШИН

Ўзбек совет адабиётининг «ўрта авлод»га мансуб истеъодли шоир, адиб ва драматург Ҳамид Ғулум элик ёшга кирди. У «кекса авлод» тарбиясида ўсиб камолга етди. Айниқса Ҳамид Олимжон ва Ғафур Ғулумнинг сеvimли шогирдларидан бўлиб, ҳамisha уларнинг кўз остида, раҳбарлигида ижод қилиб, кейинчалик адабиётимизда ўзига муносиб ўрин эгаллади.

Ҳамид Ғулум «Бизнинг лагерь» сарлавҳали биринчи шеърини ўн беш ёшлигида ёзган эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (ҳозирги «Шарқ юлдузи») журналида босилган шу илк шеъри билан у ижод майдонига кириб келди. Мана, ўттиз беш йил давомида турли жанрларда тинимсиз ижод қилди.

1919 йилнинг кўкламида тошкетлик музика муаллими онасида туғилган Ҳамид Ғулум аввал Форобий номидаги мактабда, кейин Индустриал институт (ҳозирги Политехника институти)нинг Ишчилар факультетида ва Тоғ факультетида, қалами шеврийати синаб кўргандан кейин эса Низомий номидаги Давлат Педагогика институтининг Рус тили ва адабиёти факультетида таҳсил кўрди. Москвадаги икки йиллик Олий адабиёт курсини ҳам ўтди.

Уттизинчи йилларнинг ўрталарида А. С. Пушкин вафотининг юз йиллигига тайёргарлик муносабати билан Ҳамид Олимжон ўз шогирдини таржима ишига тортиди. Ҳамид Ғулум Пушкин лирикасини ва «Тош меҳмон» драмсини таржима қилди. Яна бир неча йил ўтгач, М. Ю. Лермонтов вафотининг юз йиллигига «Мдцири»ни таржима этди.

Улуғ Ватан уруши арафасида биз Ҳамид Ғулумни истеъодли ёш шоир ва таржимон сифатида СССР Ёзувчилар союзига аъзо қилиб олди. Уша қабул мажлисида ҳам Ҳамид Олимжоннинг раислик қилгани, Ғафур Ғулумнинг докладчи бўлганини эслаш қувончлидир.

Отасидан гўдакчилигида етим қолган, «Қизил тонг» фабрикасининг мотористкаси — онаси тарбиясида ўсган Ҳамид Ғулумнинг меҳнат фаолияти характерлидир. У ўн уч ёшлигидан саводсизликни тугатиш курсларида дарс берди. 1938—41 йилларда редакцияларда, шу жумладан «Қизил Тожикистон» газетасида ва Ўзбекистон Давлат Бадий адабиёт нашриётида ишлади; сўнгра радиода бош диктор ва муҳаррир; «Совет Ўзбекистони» газетасида бўлим мудири ва масъул секретарь вазифаларида хиз-

мат қилди; «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбири бўлди.

Ўзбекистон ёзувчиларининг IV съездида (1958) Ҳамид Ғулум Союз секретари қилиб сайланди, V съездида эса (1965) «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири вазифасига тасдиқланди.

Ҳамид Ғулум ўнлаб шеърый тўпламлар, бир қанча дostonларнинг авторидир. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жўшқин жанговар лирикаси, «Галаба йўлида» дostonи, урушдан кейинги гражданлик шеърыйати ва «Севги» дostonи, бир қанча тилларда нашр этилган «Қитъалар уйғоқ» балладалар китоби ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳи билан суғорилган. Унинг айрим балладалари чет элларда, араб, ҳинд, инглиз, француз, румин тилларига ҳам таржима қилинган.

Ҳамид Ғулумнинг прозаси Ўзбек совет адабиётида салмоқли ўрин тутди. Тарихий-инқилобий мавзуда ёзилган «Машъал» романи (1958—1962 йиллар) қайта-қайта нашр этилди, бир қанча қардош тилларга таржима қилинди. Мирзаўлини ўзлаштириш мавзуда ёзилган «Сенга интиламан» (рус тилида «Голодная степь») романи ўзбек ва рус тилларида кенг тарқалди ва адабнинг эллик йиллигига «Советский писатель» нашриёти бу романи яна юз минг нусха босиб чинарди. «Ташкентликлар» романи ҳам китобхонларга манзур бўлди. Совет халқлари буюк онасининг тенг ҳуқуқли аъзоси — ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонлигини тасвирловчи бу асар ўзбекистонлик рус ёзувчимиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов таржимасида «Звезда Востока» журналимизда босилмоқда ва унинг айрим боблари Москвада «Советский воин» кутубхонасида нашр этилди.

Ҳамид Ғулум бир қанча повесть ва ҳикоялар ҳам ёзди. Унинг «Олмос қизи» повести, Ташкент бинокорлари ҳақидаги «Олтин» тўпламига кирган ҳикоялари, «Куба ҳақида ҳикоялар», «Япония ҳақида ҳикоялар», «Европа бўйлаб саёҳат», «Жазирда тонг» тўпламлари адабнинг романлари билан бир қаторда, бадий проза соҳасидаги баракали ижодидан нишондир.

Драматургияда Ҳамид Ғулум асосан комедия жанрини танлади. Устоз Ҳамзанин «Майсаранинг иши» каби асарларидан ижодий ўрнаниб, драматургимиз «Фаргона ҳикояси», «Ташболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш» комедияларини яратди. Замонавий мавзуларда ёзилган бу асарларга бас-

такорларимиз Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков куй басталадилар. Биргина «Ташболта ошиқ»нинг театр сахналаримизда минг мартадан ортиқ ўйналгани ва ҳозир репертуаримизда мустаҳкам ўрни борлиги маънога сазовордир. Ҳамид Ғулум ҳозир «Ажаб савдолар» деган янги музикали комедия ёзмоқда. Манас Левиев билан ҳамкорлигида яратилган бу янги асарда ёшларни соф коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш масаласи кўтарилди.

Совет ёзувчиси Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси. У халқ билан бирга яшайди, ҳаёт ичида бўлади, Батан жамолини, коммунистик қурилиш ҳақоний тасвирлайди, ажойиб ватандошларнинг ёрқин образларини яратди. Айни вақтда ёзувчи замон садосига ҳозиржавоб бўлиб, вақтли матбуотда — газета ва журналларда, радио ва телевидениеда фаол қатнашади, муҳим масалаларни кўтариб чиқади, жамоат ишлариға хисса қўшади. Барча пешқадам ва жанговар ёзувчиларимиз каби, коммунист ёзувчи Ҳамид Ғулум ҳам идеология фронтининг коммунистик партиявийлик руҳи билан суғорилган фаол жангчиси. Унинг бадий очерклари, публицистик мақолалари ҳам тез-тез чиқиб туради.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек совет адабиёти ўси, ривожланди, камолга етди, унинг ҳамма жанрлари барқ уриб яшнади. Ёзувчиларимиз катта меҳнат ва маҳорат мактабини ўтдилар. Адабиётимизнинг «ўрта авлоди» эндиликда «оқсоқоллар» қаторидан ўрин оляпти; уни ёш авлодлар қувиб етляпти. «Ўрта авлод»нинг етук вакилларидан бири — Ҳамид Ғулум ҳам ярим аср яшаб, кўп қиррали ижодига дастлабни якун яшаш имкониятига эга бўлди. Уни эндиликда фақат республикамиздагина эмас, балки бутун мамлакатимизда ва чет элларда ҳам китобхонлар танийдилар. Ёзувчининг халққа танилиши эса, уни шу халқ олдида, адабиёт олдидаги бурчини тагин ҳам оширади.

Меҳнаткаш инсониятнинг улуг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги — шоли байрам арафасида ижодий рэжаларимиз чўнғ, ғайратимиз тошқин, илҳомимиз жўшқин. Дўстимиз, сафдошимиз Ҳамид Ғулум ҳам Ленин ҳақида каттагина шеърый туркум ёзляпти. Айни вақтда у замондошларимиз ҳақида янги роман бошлаган. Бу асарларға ҳам умидимиз катта.

КАПРИДА УНИНГ ИЗЛАРИ

(«ЖАҲОН ЮРАГИ» ТУРКУМИДАН)

Бу ерда ҳали ҳам собиқ қироллар,
Собиқ министрлар кезиб юрибди.
Пулга ўч фоҳиша соҳибжамоллар
Рагинг тоғда макон қурибди.

Кундуз денгиз сайри, тунлари қимор,
Вестер деб аталмиш ур-йиқит фильмлар...
Грот азулло — сокин мовий ғор
Гира-шира маъюс жимирлар.

Чўққиди Мадонна — Биби Марьянинг
Қуёшда товланган оппоқ ҳайкали.
Каприда изини кўрмайсиз ғамнинг
Кайф авжига чиққан маҳали.

Гўё, «Минг бир кеча» ҳикоясидан
Андаза олинган ажиб эртақ бу,
Қутирган пулдорлар сармоясидан
Бойлар, таниозларга эрмақ бу...

Йўқ, йўқ, ундай эмас!
Бундай ақида
Ҳақорат бўлурди каприликларга!
Шундай сўз айтсангиз улар ҳақида
Ёш инади киприкларига!

Кундуз етиб келдик «Трагара»да,
Причалда ёнлаб турди кемамиз.
Улар кутиб олди шлопкаларда,
Биз қайиққа жойлашдик тизиз.

Бу ернинг одати шунақа: меҳмон
Аввал сайр этади денгизда, кейин
Уни сийлайдилар — тўқин дастурхон
Ва отелда хонаси тайин.

Мотор гуриллади. Икки итальян —
Галвадори билан Жованни дарҳол
Қайиқ тумшугида туриб ёнма-ён,
Бошладилар қўшиқни хушҳол.

Бу ҳам қўшиқлардан Капри одати,
Неаполь куйлари чиндан сафоли.
Гўё бронзадан улар қомати,
Гўё, нурдан денгиз шамоли.

Балки улар бизни швед деб ўйлар,
Балки қора мойнинг соҳиб — араб...
Куйга уланади яна соҳ куйлар,
Жилмаяди улар гоҳ қараб...

Биз эса жонажон рус тилимизда
Аста сўзлашамиз сафардан мамнун.
Қайиқчилар қулиб боқадан бизга,
Ватанимиз бўлади маълум.



Бир қўли моторда, бир қўли билан
Талвадори тоққа қилиб ишора,
— Ленин! — дейди.

Боқдик.
У тоғ кўп баланд,
Қўкка нитиларди тобора.
Жованни унга қўшилди:
— Ленин!

Биз бош қимирлатиб тасдиқлаб қўйдик.
Капри қадоқ қўли қайиқчиларин
Доҳиймизга ишқини тўйдик.

Билардик Лениннинг буида турганин,
Чорнинг таъқибидан узоқда, ёлғиз,
Бунда Горький билан суҳбат қурганин.
Демак, йўқолмабди ўша из —

Тўлқин эмас қалққан денгиз сатҳида —
Доҳиймизнинг босган қадам излари,
Капридаги итальянлар қалбида
Нақшланган ўтли сўзлари.

Соҳилда кутарди бизни фуникулёр —
Оддий вагон осик темир арқонда.
Тоққа чиқдик. Қайиқ бозор
Одам тўла гавжум майдонда.

Қаршимизда пайдо бўлди қотма чол.
— Теодор Ванелли, — дея қўл берди.
Майдон ўртасидан йўл солди дарҳол,
Торгина тош кўчага кирди.

Марина Риккола — сўзларди ёзув.
Танидик. Бу ўша кўча, азиз жой.
Ленин яшамас бу кўчада, у
Машҳур бўлмас эди, хойнаҳой,

Теодор Ванелли эшикни очди.
Шинамгина хона. Стол ва диван.
Тўрттагина курси... Жихозлар оддий.
Кўзимиз деворга тушди дафъатан:

Портретлар — Маркс, Энгельс, Ленин,
(Воқеа Каприда содир бўляпти!)
Ёзув столини силадик секин,
Исиқ! — Бу доҳиймиз кафтининг тапти.
(Ҳамон, ҳамон у совуманпти!)

Теодор Ванелли буни англади,
У ҳам силаб қўйди силлиқ тахтани.
Ёзилиб серажин, серфир манглайи,
Узоқ ёшлигини мақтади:

— Ленинни кўрганман.
Бирга бўлганман.
Унга чой қайнатиб берганман, дўстлар.
Денгизда қайиққа олиб юрганман
Ленин ишлаб чарчаган кезлар.

— Коммунистман, — деди Ванелли, —
Кимнинг
Коммунистик бўлса қалб, эътиқоди,
Шоғирди бўлади улур Лениннинг,
Фидокор бўлади ҳаёти.

Биз унинг қўлини галма-гал олдик,
Сезгандай доҳиймиз қўлининг таптин.
Чексиз севионардик Ванелли чолдек.
(Воқеа Каприда бўляпти.
Ложувард Каприда. Сўлим Каприда.
Кундуз қайиқ сайри, тунлари қимор.
Бир парча жаннатдай денгиз кафтида
Грот азулло — сокин мовий ғор...)

Эртаси кузатди бизни Ванелли,
Висол қувончидан кўзи ёшланган.
Кетолмадик.

Капри меҳнаткаш эли
Иш ташлаган экан.
Ҳа,
иш ташлаган.
Портда ҳаракат йўқ.
Қайиқлар қатор.
На куй,

на мўрида тутун қимирлар.
Грот азулло — сокин мовий ғор
Сайёҳларсиз, тўниб жимирлар.

Таксилар тўхтаган. Фуникулёр ҳам.
Собиқ қироллар ҳам пиёда санқир.
Кеча ҳашаматли, сершовқин, кўркем
Бозор бугун чўлдай тап-тақир.

Ванелли кулади: — Яшаб кўрсиналар
Бизсиз, кучимизсиз, аҳ-ҳе, йўл бўлсин!
Азиз уйга қайтдик.

Азиз курсилар
Сўзлар эди тарих қиссасини.
Тарих ўтмас экан ҳеч қачон изсиз,
Тарих — истиқболга метин пойдевор.
Тарихга, курашга ким бўлса ҳиссиз,
Судраларкан доим бемадор.

— Бизда ишчилар кўп, коммунистлар
ҳам, —

Теодор Ванелли сўзлайди вазмин. —
Улар қўлларида тутуди маҳкам
Каприда ҳам ҳаётнинг измин.

Китоб варақлайди Ванелли секин,
Сўзлар жаранглайди — Ленин сўзлари.
У эмас,
сўзлайди Каприда Ленин,
Ана излар — Ленин излари...

25 март 1969, Тошкент.

Ҳамдам ҚУЧҚОРОВ

ЖАНГДА ЁЗМАТАН



АБДУЛАҲАД

Гомель шаҳрини ишғол қилдик.

Бизнинг ротамизда мен ва дўстим Абдулаҳадгина Ўзбекистонлик бўлиб, мен Тошкентдан, у Андижондан эди. Бир қишлоққа яқинлашганимизда немислар қаттиқ мудофаага ўтдилар. Отишма шундай кучайиб кетдики, чанг, тўзон, тутун орасидан сал нарини ҳам кўролмай қолдик. Ҳаммамиз ўрмон чеккасига қатор ётиб олдик. Тўпчиларимиз бизга ёрдамга келгунча кутиб турдик. Мен Абдулаҳад билан ёнма-ён ётардим. Иккаламиз битта пулемётга қарардик. Ўқ ташувчимиз Подосинников деган рус йиғити. У биздан бир оз каттароқ, ўрта бўйли, қўй кўзли, кенг янғинди, бир кўзини сал қисиб кулиб юрарди. Абдулаҳад баланд бўйли, бугдой ранг. У раҳмдил, ким билан гаплашмасин, бирпасда ўртоқлашиб кетарди. У билан доим бирга жанг қилардик.

...Уша мудофаада турган кунимиз бизникилар немисларни шундай ўққа тутдиларки, душманнинг товуши тамом ўчди. Подосинников билан иккимиз қўтилагн ўқларни кўтариб қишлоқ томон чопа кетдик. Етай деганимизда осмондан снаряд

товуши эшитилди, икковимиз ҳам ерга ётиб олдик. Абдулаҳад пулемётини ерга қўйиб улгуролмади, сал нарида снаряд портлади. Бошимни кўтариб қарасам Абдулаҳад пулемёт ёнида турибди. Югуриб бордим. Ҳалқумимга бир нарса тикилгандай бўлди. Абдулаҳаднинг беш панжаси узилиб кетибди. У қилдай терисига илиниб турарди. Қон шариллаб оқиб кетяпти.

Санитар етиб келди. Дўстимнинг биллагини маҳкам боғлаб қўйиб қонни тўхтатди. Абдулаҳад ёнидан андижон нусха пичоғини чиқариб омонат илдиниб турган панжасини шартга кесиб ташлади. Биз ҳаммамиз бараварига қичқириб юбордик. Сани тар панжасиз билакни бинт билан маҳкам боғлаб бўлди. Абдулаҳад ўрнидан турди, пичоғи билан ерни кавлаб ўз панжасини кўмди.

Биз жим турардик. Қўлогимизга на ўқ товуши, на снарядлар портлаши кирарди. Кўзимиз панжа кўмилган мозорчада.

Абдулаҳад бўлса яна пулемётни ола аскарлар кетган томонга қараб судради. Лекин санитар чопиб бориб уни тўхтатди. Тўхтатди-ю, пулемётнинг дастасини ушлаганча менга қараб йнглаб юборди.

НЕМИСЧА «ДАРС»

Немислар бизга Беларусиянинг баъзи қишлоқларини жангсиз топширдилар. Лекин бу қишлоқларда ўзларининг ваҳшиёна «ёсдаликлари»ни қолдириб кетар эдилар.

Бир қишлоқни эгаллаб мактаб биносига кирдик. Кўрганлар, олдин бўлган бир мудқиш воқеани гапириб бердилар.

Қишлоқ йўл устида бўлганидан, у ерда немис комендантлари тез-тез ўзгариб турар экан. Охиргиси ҳаммасдан баттол чиқибди. Бизнинг қисмлар келишидан уч кун илгари партизанлар бостириб келиб, дам олиб турган немисларнинг кўроллариини ишдан чиқариб кетишибди. Душман штаби шу мактабга жойлашган бўлиб, жангнинг зўри ҳам шу ерда бўлибди. Бир немис пулемётчиси иккинчи қаватга пулемёт ўрнатмоқчи бўлиб, деразани тешиб синдираётган экан, бир бола унга ёпишибди:

— Ойнани синдирманг! Қиш совуқ келаяпти. Ўзимизникилар

келса яна ўқини бошлаймиз!... Синдирманг, амаки...

Шу пайт баттол комендант кириб қолиб, болани отиб ташлабди.

Эртасига комендантнинг танлифига кўра, мактаб ёшидаги ҳамма болалар штабга ҳайдаб келинибди. Синф озода ва шинам қилиб безатилган экан. Кейин болалар ювинтирилибди, овқатлантирилибди, уларга тоза кийимлар берилибди. Сўнг болаларга дафтар-қалам улашилиб, «Дафтарларингни очинглар. Хозир немис тили дarsi бўлади, деб ёзинглар» дебди бир немис офицери. Болалар содалик билан «Хозир немис тили дarsi бўлади» деб ёза бошлабдилар. Шу заҳоти фашистлар бегуноҳ ўқувчиларни ўтирган ерларида отиб ташлашибди...

Биз қишлоқни эгаллаб, тўғри шу мактаб биносига кирдик. Уттиз нафар ўғил-қиз бошларини партага қўйиб ўлиб ётарди. Биз ўқувчиларни расм-русумлар билан кўмдик. Лекин юракда кўмиб бўлмайдиган дард қолди.



ҲИКОЯЛАР

В. ЕВЕНКО расмлари



АЗИЗ ДУНЁ

Душман ҳамма жойда ўз қонли пайжасининг изини қолдириб қочмоқда эди. Биз Лудиновка қишлоғини озод қилдик. Фашистлар зарбамизга дош беролмай, уни шиддатли жанглардан сўнггина талай қўрбонлар эвазига ташлаб кетди.

Душман армиясининг йўлини жон-жаҳд билан тўсишга уринар, йўлларга миња кўмар, кўприкларни бузар, чалғитиш учун текис йўлларни ҳайдаб юборарди. Лудиновка олдин гўзал қишлоқ бўлган, унда одамлар тўқ, бахтли яшаган. Энди эса бу ерда дорга осилган жасақлар, Ишғол қилганимизда қўлга кирган ҳарбий ўлжалар ёнида бир ёш қизни учратдик. У қишлоқда қандай омон қолганини айтмайман. Эши ўн еттиларда. Кийими жулдур. Аникроғи, у ярим яланғоч эди. Бизни кўриб шодлигидан бўғилиб-бўғилиб қичқирди. Кийинтириб овақт бердик. У овақтини қалқиб, йўталиб ер эди. Ором олгач, товоқларни юва бошлади.

Лекин... кутилмаганда товоқларни улоқтириб, қўлидаги каттелогини қошиқ билан уриб, ўйинга туша кетди. Жангчиларимиз аввалига қулишди, бирор дақиқа ўтмай, юзларидаги кулги хафаликка, сўнгра газабга айланди. Қиз эсидан ажралган экан. Хўрлигимиз келиб, кўз ёшларимизни зўрга тиярдик.

Полкнимиз сафланиб, яна олға кетди. Қишлоқ каттагина эди. Катта йўлдан анча юрдик... Ёвни қувиб қишлоққа кечроқ қайтдик. Разведкамиз фақат ўша ақлдан озган қиздан бўлак ҳеч ким йўқлигини аниқлагач, хавотир олмай, қишлоққа кириб келдик. Рўпарамизда тўсатдан ҳалиги қиз яна пайдо бўлди қолди. У командиримиз олдига келиб, нималарнидир гапирди ва қўли билан узоқларни кўрсатди.

— Олга! — деди командиримиз, биз келган изимиздан яна йўлга тушидик. Бир қақирим юрмасимиздан оқ полк тўхтади. Олдинда ўша қиз командирга қатор дарахтларни ва тупроқ уюмларини кўрсата бошлади. Кейин билсак, немислар қоча туриб, ўрмон ичидаги йўлни бузиб, йўлга қалбаки дарахтлар ўтқазиб кетишган экан. Бу иш жуда қувлик билан бажарилган. Йўлни очиб, ўрмон ичидан олға кетавердик.

Ҳар қалай, адашмадик. Изни билиб, орқага, ўша қишлоққа қайтиб келдик. Мен бу ҳодисани қандай изоҳлашни билмайман: ақлдан озган қиз, тўсатдан ақл-қушини топаган эди. Олдинги беҳаёлиги эсига тушганда уялиб-қизариб кетарди. Балки, уруш уни вақтинча ақлдан оздиргандир. Озодлик эса унга ўз азиз дунёсини қайтариб берганди.

МАРДЛИК

ВА

ҲАҚҚОНИЯТ

КУЙЧИСИ



«Одамни ўлдириш мумкин, лекин енгиб бўлмайди».

Э. ХЕМИНГУЭЙ.

Йирин америна ёзувчиси, ажайиб истеъдод эгаси, чин демократ ва антифашист Эрнест Хемингуэй туғилганига етмиш йил тўлди. У барча пок ниълти кишилар қатори Совет Иттифоқида чексиз ҳурмат билан қарар эди. Ёзувчи Испаниядаги граждандлар уруши йилларида қамал қилинган Мадрид шаҳрида Совет Иттифоқидан келган жасур кишилар — Михаил Кольцов, Илья Эренбург, Роман Карменлар билан яқиндан танишди ва дўстлашиб қолди. Хемингуэй совет адабиётига голт қизиқар, унинг энг яхши намуналарини инглиз тилида ўқир эди.

Хемингуэй голт катта ва мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бўлғуси ёзувчи Иллинойс штатидаги Оук Парк шаҳарчасида врач оиласида туғилган. Мантабини битиргач, шаҳар газетасида репортер бўлиб ишлаш бошлади. Лекин у фақат газетачи бўлиб қолгани йўқ. Боксёрлик қилди, офицант бўлди, балиқчи, шер оловчи насбларида ишлади. Ҳаёти давомида бир неча урушда қатнашди. Бир неча бор огир яраланди, икки марта самолёт ҳалокатига учради. Ленин ҳар сафар одамлар ундан умидини узиб қўйган бир пайтда яна тирилиб кетар ва яна ажайиб асарларни ёзаверар, ҳар қадамда ўлим нафаси кезиб юрган жанг майдонларига кириб кетаверар ёки ўрмонларда арслон овлашни бошлаб юборар эди.

Хемингуэй, ёзувчи ҳаётининг томошабини эмас, унинг қатнашчиси бўлиши керак деб ҳисобларди. Унинг асарлари — «Алвидо, кўрол!», «Ҳаёт-мамонт», «Кўнгироқ кимнинг азасига жаранглайди», «Дарё соҳилида, дарахтлар соҳида» романлари, «Фиеста», «Чол ва денгиз» ҳиссалари, «Килиманжаро қорлари», «Френсис Макмонбернинг бир нафаслик бахти», «Мағлуб этилмас», «Қотиллар» ҳикояларида ҳам ёзувчи ҳаётни шунчакки кузатмайди, унга актив аралашади ва катта масалаларни ҳал қилиб беради.

Хемингуэй инқодининг бош мавзуси — адолатсиз урушнинг чиркинлигини фош этишдир. «Алвидо, кўрол!» (1929 йил) романида икки мавзу — уруш ва муҳаббат мавзуси ёнма-ён қўйилади. Асар воқеалари биринчи жаҳон уруши йилларида, Италия—Австрия фронтда рўй беради. Энг муҳими шундани, ёзувчи урушнинг бутун даҳшати билан кўрсатади. Адолатсиз уруш — мусибат. Солдатлар жангга кирмаслик учун ўзини ўзи отиб ярайлади. Ленин уруш урушлигини қилади: жангчини ҳам, деҳқонни ҳам — ҳеч кимни аймайди.

Роман бош қаҳрамони лейтенант Генри жангнинг машаққатли йўлларида ўтгач, жаҳонгирлик уруши энг беаъни нарса эканини ҳис қилади. У урушнинг хумрон синфлар қилаётганини, жангчилар эса ўртада ем бўлиб кетаётганини тушунади. Шундан сўнг кўроли билан видолашади, армиядан қочади. Бетараф мамлакат — Швейцарияга ўтиб олади. Лекин бундан кейин нима қилишини ўзи ҳам билмайди. Фақат нитобхон битта нарсани ҳис қилади: энди лейтенант Генри ҳеч қачон капиталистлар манфаатини кўзламайди.

Романдаги бошқа мавзу муҳаббат мавзусидир. Лейтенант Генри севгилсиз — медицина ҳамшираси Кэтринни кўрганда уруш даҳшатларини унутгандан бўлади. Улар бир-бирларини самимий, қатъий севдилар. Сиз уларнинг муҳаббатини тантана қилишга ишонасиз. Лекин асар охирида Кэтрин тугулмай ўлади. Шундай қилиб, Генри ҳамма нарсасидан жудо бўлади. «Алвидо, кўрол!» романи ўша уруш авлодининг машаққати ва бемаъсад ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи шиддатли асардир.

Ёзувчининг «Кўнгироқ кимнинг азасига жаранглайди» (1940) романида испан халқининг фашизмга қарши мардона кураши ахс эттирилган.

Ёзувчи инқодининг урушдан кейинги даврда муҳим аҳамият нәсб этган асарлардан бири «Чол ва денгиз» (1952) ҳиссасидир. Хемингуэй инқодининг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтувчи марказий гол — инсоннинг энгилмаслигини тасдиқ қилувчи гол — бу асарда айниқса яққол кўзга ташланади. Асар қаҳрамони нубалик чол уч кеча-кундуз денгиз билан, улкан балиқ билан олишади ва енгади. У балиқ ва денгиз устидангина эмас, ўз нексалиги устидан, ўз оқинлиги устидан ҳам галаба қозонади.

Хемингуэй урушдан кейин Кубада яшади. Оддий одамлар уни ардоқлашар, «чол» ёки тўғридан-тўғри «ота» деб аташар эди. Ёзувчи Куба иңиллобини кўзлаб-куватлади. Ҳаётининг охиригача курашчиллик ва энгилмаслик найфатияда яшади.

Хемингуэй 1961 йил 2 июль кунини ҳалок бўлди.

В. БЕРЕЗИНА.

«ЙИГИТНИНГ

ҚАНОТИ»

Бу йил январда ёққан қалин қор тоғли жойлардаги совхоз ва колхозларнинг чорва молларига анча зарар етказди. Совуқ кун сайин орта борди. Чорва моллари 7—8 кунлаб қўрадан чиқолмай қолди.

Ем-хашак ташийдиган машина йўллари қор босди. Тракторларнинг ҳам юриши қийинлашди. Қўра бошига ғамланган ем-хашак тамом бўлди.

Чорвадорларимиз олдида: «Нима қилиш керак?! Қайси транспортдан фойдаланиш керак!» деган савол кўндалан бўлди.

Ота-боболаримиз ардоқлаб келган, «Йигитнинг қаноти» — деб ном олган отлар иш бера бошлади.

Тожикистон ССР Ашт район Ошоба қишлоқ советидаги Калнини номи колхоз чорвадорлари учун ҳам оғир дамлар бошланган эди. Дала қор-бўронда қолиб кетди, баъзи жойда молларни қор босди. Шунда ҳамқишлоқларимиз П. Мўминов, У. Эрматов, Б. Рўзиматов ва Ғ. Йўлдошевлар хўжалиғидаги отлар ишга солинди.

Қорда қолган чўпонлар отларда Ошоба касалхонасига келтирилиб, ҳаётлари сақлаб қолинди.

Ана шунда отнинг қишлоқ хўжалиғида, айниқса тоғли жойлардаги чорвадорлар учун муҳим ёрдамчи эканига яна бир марта гувоҳ бўлдик.

Колхоз-совхозларда отлар сонини кўпайтириш билан бир қаторда, тоғли ва чўл ерлардаги шахсий хўжаликларда ҳам от сақлашга рухсат берилса яхши бўларди.

Турсуннат РЎЗИМАТОВ,
Каримжон СУЛТОННАЗАРОВ.

ҚОРАБАЙИР

ҲАҚИДА

«Гулистон» журналида босилган «Қорабайирнинг қисмати» сарлавҳали мақолани ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Ҳақиқатан ўтмишга кўз ташласак, инсоннинг азалий йўлдоши бўлган от ҳақида ажойиб ҳикоялар топамиз.

Мақолада кўрсатилган масалалар: отни кўпайтириш, ундан гўшт маҳсулотини олиш, шифобахш қимиздан фойдаланиш мутлақо кечиктириб бўлмайдиган масалалардир. Бу ишда аввало колхоз-совхоз раҳбарлари ташаббус кўрсатишлари зарур.

Ишни республикамизнинг тоғ районларига яқин жойлашган колхозларда от фермалари ташкил этишдан бошлаш керак.

От — жуда тез урчиб, кўпаядиган жонивор. 10 бош ёки ундан ортқ биёси бор ферма ёнида 20—30 кишилик қимиз билан доволайдиган шифохона очиб, апрель охиридан октябрь ойигача дала ишларидан ҳориган колхозчиларнинг хордиқ чиқаришлари учун имконият яратсалар кўнгилдаги иш бўларди.

К. СОҲИБОВЕВ,
пенсияонер.

ЎЗБЕК ВИНОСИ

ЮЗ ЯШАР КОМБИНАТ

Урта Осие, жумладан Ўзбекистон Россияга қўшиб олинган даврда бу ерда бирорто ҳам йирик норхона йўқ эди. Россиялик йирин мулк эгалари, савдогарлар бойлик орттириш манбаларини излай бошладилар.

«Уч ойдан буйн Туркистон ўлмасиданман, — деб ёзади савдогар Н. Перувшин отасига, — Тошкентнинг атрофларини айланиб чиқдим. Қандай саҳий ўлна! Бу ерга сарфланган ҳар бир сўм ўн сўмлаб фойда келтиради ва харанжатлар тез орада қопланади...»

Перувшинлар оиласи Тошкентда вино заводи очиб йўлларини қидирадилар. Кенжа Перувшин 1866 йилнинг 22 августда отасининг маслаҳати билан Оренбург генерал-губернатори И. А. Крижановский номига хат ёзиб, Тошкентда вино ишлаб чиқариш заводи очишга рухсат беришни сўрайди.

Орадан уч ой ўтгач, завод қуриш учун ўша даврда Тошкентнинг энг чека жойи ҳисобланган Салор дарёсининг қирғоғидан жой танланади. Савдогар зарур майдонни осонгина қўлга киритгач, мардиюрлар ёллаб, ғишт қуйдира бошлайди. Шундай қилиб, 1867 йилда савдогар И. Перувшиннинг хом гиштдан тикланган ва усти сомонли лой билан сувоқ қилинган норхонаси ишга тушади. Заводада «Гильов» ва «Саваля» деб аталувчи ачитки ускуналари ўрнатилади. Шу йили галла, майиз аралашмаларидан спиртли ичмликлар тайёрлайдиган завод ишга тушади.

1869—1870 йилларда янги заводнинг эгаси вино ишлаб чиқариш учун узининг шахсий хом ашё манбаларини яратиб устида иш олиб боради. У ўз норхонасини йил сайин кенгайтира бошлайди. 1871 йилга келиб юз минг декалитр вино сақланадиган ертўла қурилади.

Беқибс даражада бойиб кетган И. А. Перувшин оиласи эндиликда Тошкентдаги ўз норхонаси ишчиларини Россиядан туриб ишлата бошлайди. Вино ишлаб чиқариш ва спирт тайёрлашни тагин ҳам кенгайтириш мақсадида улар Германиядан виночи Кример Оттони ва ўша пайтда эндигина Ўш мухтаassis сифатида танилган виночи Ховренко (ҳозир Самарқанд вино заводи унинг номи билан аталади) танилб қилиб, Тошкентдаги заводига ишга тайинлайди.

1870 йилдан кейинги даврда Тошкент вино заводи бутун Россиядагина эмас, жаҳонда ном чиқаради. «Красное ташкентское», «Оппорто», «Султоний» ва «Нагор» винолари 1872 йилда Москвадаги политехника кўргазмасида ва 1878 йилда Парижда ўтказилган жаҳон кўргазма олтин ва кумуш нишонлар билан тандирланади.

Кейинчалик профессор унвонига сазовор бўлган узумчи ва виночи Ховренко «Самарқанд, Тошкент вилоятларининг аъло узумзорларида етишган ҳосилдан ажойиб дисерт винолар тайёрланади, бу уланинг узумлари дунёда энг шириндир», деб ёзади.

Перувшиннинг заводида депрли ҳамма ишлар қўл кучи билан бажарилар, унинг «техникаси ярим хунармандчилик норхоналари даранжасида эди. Меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлиб, ишчиларнинг иш ҳақи ҳам ниҳоятда кам эди. Заводнинг 1902 йилда ишлаб чиқарган виноси 12 минг декалитр, 1914 йилдагиси 60 минг декалитр бўлган.

Инқилобдан сўнг Перувшинлар заводи Тошкент вино заводи, деб юритила бошланди. Бу халқ норхонасига директорлик қилиш ҳам меҳнатнаш омма орасидан етилиб чиққан кишига — қизил шарқчилар темир йўл устaxonасининг ишчиси, 1918 йилдан КПСС аъзоси Николай Иванович Роговга топширилади. Н. И. Рогов Совет ҳокимияти учун олиб борилган курашларда фаол иштирок этган бўлиб, хўжаликни юртишда ҳам уста эди. Тез орада норхона ўсди, иш жараёнлари механизациялашди, меҳнат унумдорлиги кўтарилди.

1927 йилда заводнинг номи ўзгарди. «Ўзбексельпром»нинг 7-заводи деб атала бошлади. Заводда ҳар навбатда ўн минг ишга маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги дастгоҳ ишга туширилди, янги ускуналар ўрнатилди, қозонхона, омборхоналар қурилди.

Ўша пайтда заводда атиги 175 киши ишлар, иш жараёнида қўл кучи асосий ўринни эгалларди.

Уттизинчи йилларда норхона кўп тармоқли бўлиб қолди ва 16 номда узум виноси ишлаб чиқара бошланди. Узум тайёрлайдиган беш пунктнинг қуввати маъсумда икки минг тонна узумни қайта ишлаш даранжасига етди. Биринчи беш йиллик даврда қорхонада иш жараёнларини механизациялашга юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди, политехника институтларида виночилик ва спирт тайёрлаш ихтисосини эгаллашган малакали мухтаassisлар ишга келишди. Завод ишчиларидан М. Шарғордесная, Қ. Остонақулов, Т. Першайло, М. Лукьянов, В. Бубнишев, Т. Поморова сингари ўнаб зарбдорлар меҳнатдан ном чиқардилар. Қорхона Улуғ Ватан урушидан кейин айниқса катта меҳнат галабаларини қўлга киритди.

Комбинат ер ости қисмининг турида қадимий зал бор. Бунда комбинат фаолияти давомида яратилган янги маркази вино нусхалари сақланади. Ҳозир уларнинг сони 14800 ишга етди. Фақат Иттифоқимизда эмас, кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам истеъмолчиларнинг эътиборини қозонган, қатор халқаро кўргазмаларда олтин нишонларга сазовор бўлган 35 номдаги маҳсулотнинг нусхалари бу ерда яна узоқ йиллар сақланиб туради.

Коллективнинг маънавий ҳаётидаги муваффақиятлари айниқса қувончли. Бу ютуқларни бундан 15 йил олдин комбинатта директор бўлиб нелган Аъзам ака Маҳмудовнинг номи билан боғлайдилар.

Қорхона ҳовлиси — шинам бог ва хиббонни эслатади. Йўлга ёнларда уттиз-қирқ йиллаб фидокорона меҳнат қилиб келатган, ҳуқумат орден ва медаллари билан тақдирланган илғорларнинг суратлари кўйилган.

Ишчилар учун ҳамма шарт-шароит бор. Дам олиш уйи, болалар богча ва яслиси, пионер оромгоҳи — комбинатнинг узиники. Клубда ташкил бўлган Халқ опера театри ва миллий музика студияси халқ талантларининг қатор кўриларида галиб чиққан.

Комбинат аҳли норхонанинг 100 йилги муносабати билан, виночиликни ривонлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фаҳриги ёрлиги билан мукофотланди.

Саъдулла НОРМАТОВ.



«Ўзбекистон» виноси бир қанча медалга мушарраф бўлган.

ТОШКЕНТ ВИНО ЗАВОДИ 100 ЁШДА


Янги нав винонинг таъми, қуввати махсус кўриқдан ўтказилапти.



Тайёрланган винолар дастлаб мана шу улкан цистерналарга қуйилади.



Эндилликда тайёр маҳсулотни шишаларга қуйиш ва оғзини маҳкамлаш ишларини автомат дастгоҳлар бажаради.



Юз йил аввал бу ерда винолар шу усулда тайёрланарди.





Кекса денгизчи.

Ўловчилар



САЁХАТНОМА

ДЕНГИЗЛАР ВА ШАМОЛЛАР ЎЛКАСИ

Швецияга отланаётиб, атайлаб бу мамлакат ҳақида ҳеч нарса ўқинадим. У ерга ҳар қандай тасаввурлардан холи бормоқчи бўлдим.

Бир юз олтинчи йилдан бери ҳеч қандай урушларда қатнашмаган бу мамлакатга борган одам қандай кечинмалар оғушида қолишини билмоқчи эдим. Уруш, уруш қайғуси ва оқибати нималигини билмайдиган кишиларни кўрмоқчи эдим. Фақат бир нарсани—ЮНЕСКО ҳисоботи бўйича, Швециянинг анча фаровон мамлакат эканлигини билардим, холос.

Улкан паромда Турку шаҳридан Стокгольмга қараб сузиб борардик. Кўз олдимизда ажойиб манзара — ўн минглаб орол ва оролчалар намоен бўлди. Буларнинг баъзилари тошлоқ, баъзилари қўм-қўқ майсазор ва ўрмонзор, деярли ҳаммасида аҳоли яшайди. Нақшинкор қасрлар, ибодатхоналар, оромгоҳлар эътиборимизни жалб қилади. Рангоранг, катта ва кичик қайиқларни ҳар қадамда учратиб мумкин.

Мана, Стокгольм теварагидаги муҳташам бинолар, тик қирғоқлар кўзга ташлана бошлади. Қўшда ятираётган нефть омборлари шунчалик кўпки, булар ҳатто шаҳар манзарасини тўсиб қўйган. Яқинлашгач, бақлардаги фирма белгилари „Esso“, „Shell“, „Texaco“ деган ёзувларни ўқиймиз. Бу ёзувлар Скандинавия қирғоқларида ҳам Америка ва Англия нефть корчалонларининг кучли таъсири борлигига ишоратидир.

Поездда Швеция бўйлаб шарқдан ғарбга—Гётеборг томонга бораётганимиз. Деразадан бугдойзорлар, швед деҳқонлари кўриниб қоларди.

Олма, нок, олхўри боғлари. Ҳеч қарада девор, ҳатто четан деворлар ҳам кўринмайди. Ўтлоқлар бетон устунларга сим тортиб тўсидган, холос.

Гётеборг — Швециянинг энг йирик порти. Скандинавияда энг катта, бой расталар шу ерда. Ҳамма нарса топилади, лекин хари-

дор сийрак. Одамлар кетма-кет шошиб борадилар. Биз ҳам шошамиз. Дам мусобақа бўлаётган яхта клубига, дам расмлар кўргазмасига, дам тушилка шошамиз. Фақат эрта тонгда ёки оқшомларигина таассуротларимни бўёлар ёрдамида қоғозга тушираман.

Истироҳат боғига таклиф қилишди. Бордик, турли томошалар, бақирӣқ-чақирӣқ, шовқин-сурон, ҳуштабозлик қулоқни батавг қилиб, асабини чарчатади. Бу масхарабозликлар атайин, фақат биринки марка пул шилиб қолиш учунгина уюштирилгандек туюлади. Умуман, истаганча кўнгил очиб мумкин, лекин ҳар қадамда ҳақ тўлаш керак.

Стокгольмга яна поездда қайтдик. Бу ерда кўпроқ туришга тўғри келди.

Энг оммавий газеталар „Dagens Niheter“ ва „Ekspressen“нинг раҳбарлари ва журналистлари билан учрашдик. Бир наприйётда ишловчи журналист бошқа газета ва журналларга ҳеч нарса ёзиб беролмас экан. Маошлари яхши, гонорар берилмайди. Лекин иш ўрнини сақлаб қолиш амри маҳол. Ахборот қабул қилиш яхши йўлга қўйилган. Газета ва журналларнинг 70—80 проценти рекламадан иборат. „Dagens Niheter“ («Кун янгилликлари») газетаси акционерлар жамиятига қарашли.

«Эски Швеция» деган истироҳат боғи. Киши XVI—XVII асрга бориб қолгандек бўлади. Тегиримонлар, помешчик саройи, сарой хизматчилари, помешчиникинги ўзи, итхона — ҳаммаси жонди музейни эслатади. Бу ерда илгари ғилдирак қандай ясалганини, қай усулда дори тайёрланганини кўриш мумкин...

Машҳур Стокгольм саройига борамиз. Ғўзал бино, Нобель мукофоти шу ерда тақдим этилгани учун, саройнинг дониё бутун жаҳонга тарқалган. Бу ажойиб тасвирий санъат ва меъморчилик ёдгорлиги алоҳида ҳикояга арзигулик.

Биз жаҳонга машҳур швед ҳайкалтароши Карл Миллснинг ижоди билан Гётеборг қўчаларидаёқ таниша бошлаган эдик. Кейин шаҳар галериясида, сўнг Стокгольм миллий галериясида, кейинроқ кўрфаз қирғоғидаги ҳайкалтарошининг шахсий боғида бўлдик.

Кўп ҳайкаллар ичида балаид гранитга ўрнатилган машҳур «Икар» турибди. Қанотли отида учиб бораётган чавандоз. Ҳайкалтарош бу боғни ҳамма асарлари билан бирга шаҳар халқига инъом қилган.

Инсон ғўзаллигини акс эттирган истеъдодли ва саховатли Карл Миллес йўқ, лекин у боғ ва унинг асарларини кўриб, ҳайкалтарошининг ёрқин сиймоси билан танишгандек бўлдик.

Шаҳарнинг шовқинли кўчалари бўйлаб автобусда елиб ўтамиз. Реклама ва витриналардаги неон чирокларнинг «рақси» кўзини олади.

Ҳамма нарса етарли, ҳамма ҳаётдан розидек кўринади. Лекин турли норозилик оқибатларини беҳисоб кўриш мумкин. Беўхшов, сочи ўсиқ ёш-ялан, юзюда ҳеч қандай умид соясини кўринмайди, жим ўтиришади, жим туришади, ҳеч қандай ҳаяжонсиз, орси-андишасиз, сассиз ўпишишади.

Ажойиб мамлакат, ажойиб кишилар, лекин ёшлар ўқишни битиргач, иш излаб, ўз ватанларини тарк этишга мажбур бўладилар. Мамлакат аҳолиси етти ярим миллион. Сўнгги беш йил ичида бир миллионга яқин одам чет элларга чиқиб кетган. Бу — ЮНЕСКО маълумоти эмас, бошқа, аниқроқ манбалар берган маълумот.

В. ЕВЕНКО,

ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Стокгольм. Шаҳар ратушаси.

Фанимиз карвон- бошлари

Ў И М Ё Г А Р

Собир Юнусов катта кимёгар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, немиш табиатшунослари Леопольдин академиясининг аъзоси. У ўз шогирдлари билан ўсимлик моддалари кимёси соҳасида жуда катта ши қилди: 119 ғиёҳдан 210 хил алкалоид ажратиб олди, шулардан 110 таси бутунлай янги.

ТАБИАТ БИР ҚУЛФ...

...Собир ана лабини қимтиб қўйди. Утиринг дегандай имлади-да, стол ёнига ўтирди.

— Ишлаш керак, огайни. Ваъзхонлик, маъракадан кимга наф?— Собир ана қошини чимирди.— Ўзбекларда ўлган одамга маърака ўтказиларди. Емон бўлса ҳам «яқши эди раҳматлик», деб мақташарди. Энди бўлса... Йўқ, қаршиман. Кечагина президиумда ҳам гап бўлди. Керак эмас, дедим. Ахир бизнинг ёшимиздаги одамлар учун ҳар нун ганимати Кузда, одатда, хирмон кўтарилади. Мева-чева йиғиб-териб олинади. Мен ҳам умримнинг кузида бутун экин-тинканиларимни жамлашни керак. Эллика кирганимда ҳам марҳум президентимиз Абдуллаев, юбилейингни ўтказамиз, деганида рози бўлмаганман. Қилинмаган ишлар кўп, огайни. Сал саранжомлайлик. Тўй-маърака қочмас. Ақалли саксонга кирайлик. Ана унда ярашади.

— Ўзбекистонда кимё фанини тарғиб қилишда сизнинг юбилейингиз бир баҳона бўлади, ахир.

Собир ака ташқарида севалба ёғатган ёмғирга ўйчан тикилиб турди-да, менинг фирмингга қўшилгандай бўлди.

— Тўғри, кимё фанини нег тарғиб қилиш керак. Кимё тарғибчиси ёрчин келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Туганмас бир бойлик бор, у — ўсимликлар. Инсоннинг абадий йўладоши. Уни тўйдирди, кийинтиради, соғлигини сақлайди. Шунинг учун болаларимизда, энг аввал, ўсимликлар оламига муҳаббат уйғота билишимиз керак. Оёқ остида талпалиб ётган ҳар бир ғиёҳда катта сир яширинганини — инсоннинг саломатлигини яхшилайдиган, умрини узайтирадиган дори эди, аксинча, бахтсизлик келтирадиган заҳар яширинганини, бу сирни очиб шу учун кимё фани бир калит эканини аниқлашимиз керак.

Табиат бир қулф, кимё эса калит. Шу калитни маҳкам, дадил ушлаб, сирли қулфни оча оладиган забардаст қўллар — қобилияти надрлар керак. Билимдон кадрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, болаликдан тарбияланади, ўрта мактабдан. Баъзи ўрта мактабларда, айниқса қишлоқ ўрта мактабларида кимё фанининг ўқитилиши кўнгилдагидай эмас. Ҳукуматчи программага темаани шунчакни баён қилади, амалий машғулот, тажрибалар деярли ўтказилмайди. Бундай соғувонлик билан болаларда кимёга қизиқиш уйғотиб бўлармиди? Йўқ, ўрта мактабларда кимё фанининг ўқитилишини тубдан яхшилаш керак. Кимё ўқитувчиси ўз фанининг чинакам шайдоси бўлсин.

Олимнинг кўзларида ажойиб илқилик жилва қилди:

— Менинг муаллимларим ана шундай эди.

МУАЛЛИМАР

— Муаллимларим тўғрисида гапириб беришдан олдин, уларнинг қўлига қандай қилиб тушганини айтмасам, қиссам узуқ-юлуқ бўлиб қоладиганга ўхшайди, шундай эмасми?

— Шундай.

— Раҳматлик онамизнинг йил суруштириб айтганларига қараганда, менинг туғилган вақтим 1909 йилга тўғри келади. «Девор тагидаги оқ ўрин чаман бўлиб гуллаб турган пайт эди», дегучи эдилар. Уриқ Тошкентда март ойининг иккинчи ярмида гуллади...

Чақарда Яланча деган маҳалла бор. Биласизми? Ҳў, Эшон маҷитининг орқаси, бизнинг ҳовелимиз худди ўшадгай тор кўчанинг ичиди бўлган.

Дадам иморат устаси — дурадгор эканлар. Етти ойлигимда вафот эттидилар. Ойимиз тўртта бола билан бева қолганлар. Еш бўлишларига қарамай, «болаларимни кимга муте қиламан?» деб, жойи чиқса ҳам эрга тегмадилар. У киши чокчилиқ қилардилар. Дўппи, жиян тикиб...

Иганининг учи билан рўзгор тебратишни бир йўлаб қўринг-а! Биз тўртовимиз ҳам пасти-баланд, фақат ейиш-ичишдан бошқани билмайдиган ёш болалар эдик. Бутун заҳматни муштипар онамиз чеккан. Бахтимизга Октябр инқилоби бўлиб қолди. Бўлмаса... Ҳозирги Собир Юнусов қаёқда! Октябр инқилобисиз академик Абдуллаев ҳам, Содиров ҳам, Орипов ҳам, Қори Ниёзий ҳам бўлмас эди.

Эс-эс билан: кўчада тупроқ чангитиб, соқча ўйнаб юрган эдим. Онам қақириб олди-да, юз-кўлимини ювиб аманига қўшиб берди. Амакни мени ҳозирги Уқчи кўчасидаги етимхонага олиб бориб топширдим. Бу 1918 йилдаги гап. Етимхона эски рус-тузем мактаби, ҳозирги Карл Маркс номидаги педагогика билим юрти ўрнида эди.

Совет давлати ўша оғир йилларда ички ва ташқи душманларга қарши ҳаёт-мамот иураши олиб бораётган, қаҳқатчилик бутун мамлакатни гирибонидан олган эди, ҳукуматнинг бошида минг бир хил ташвиш бўлишига қарамай, биз оч-яланғоч етимчаларни тўплаб ўқитди. Кийинтирди.

Интернатда юриб, бўйим чўзилиб, турмушнинг баланд-пастига ақ-

лим етадиган бўлиб қолди, шекилли (қийинчилик, мен сизга айтсам, ёш болага ҳам тез ақл киратар экан), бир кунни уйда онамнинг тирикчилигини кўриб, «Қизил Шарқ» вагон-ремонт заводида қарашли туноқачилик устахонасига шогирд бўлиб ишга кирадиган бўлдим.

Биринчи ойлигимга онамга кўрпалик чит олиб келиб берганим эсимда. Вой, у кишининг йиғлаб дуо қилганлари!

Туноқачилик ҳунарини тез эгаллаб олишимга Саидахмадхон деган устам сабабчи бўлган. Аммо у киши мени ўқишга қистагани-қистагани эди. «Замона — ўқиганники, болам»,— дерди.

Йўлаб қарасам, устанинг гапи тўғри. Яна Уқчи кўчасидаги кадрдон интернатга қайтиб бордим. Қарасам, интернат ўрнида педагогика техникумини очилибди. Қабул қилишди. Буёқ Маркс номига қўйилган ана шу билим юртида ўзимнинг иккинчи устамни, мени кимёга қизиқтирган муаллимим Ҳасан Муртазовини учратдим. У киши ҳозир ҳам ҳаёт. Тошкент Фармацевтика институтининг профессори, кимё нафадрасига мудирлик қилади.

У вақтда Муртазове ўзимизга ўхшаган ёш, бўйи бир саржин, оряқ, кўк кўз йигит эди. Университетда ўқиб келиб, у ерда ўрганганларини бизга ўргатиб кетарди.

— Сиз ҳам қадимги кимёгарлардай мисдан тилла ясашни хаёл қилгандирсиз?— деб куддим.

— Йўқ, огайни,— деди Собир ака бош чайқаб.— Мен жисларда, тузаларда, ўсимликда тилладан ҳам қимматли, инсон ҳаёти, соғлиги учун зарур, унинг умрини узайтирадиган моддалар яширинганини сезар эдим. Уттизинчи йили САГУнинг кимё факультетига ҳам шу яширин моддаларни топши усулларини ўрганиш мақсадида кирдим. Бу ишда менга Ленин йўлнамаси билан Тошкентга келган профессор Сергей Наузов устозлик қилди.

Сергей Николаевич қотма, калта соқол-мўйловли киши эди. Ўз фанини шогирдларга бутун борлиги билан берилиб, ёниб ўргатар, шунга яраша талаб ҳам қиларди. Кимё факультетига ҳар юртдан тўлганлариз ёш ўзабек, қозоқ, қирғиз, турман болалари рус тилига нўноқ эдик. Узимиз ҳам қийналар, ўқитувчиларни ҳам қийнар эдик. Қишки сессиядан кейин бўлса керак, деканатда мажлис бўлди. Гурппа бошлиғи сифатида мен ҳам қатнашдим. Биз ўқитувчимиз...— Собир ака эслашга уриниб стулга тирсаги билан суянганча бармоқлари билан чакчаларини қисиб бир дам жим қолди.— Йўқ, исми шарифи хотирамдан кўтарилибди. Узи зодагонлар оиласидан чиққан бўлса керак,— такаббур, маҳаллий студентларга тепадан қарайдиган олифта, гапирганда ҳам димоғ билан гапирадиган лятирок беш киши эди. Шу профессор сўзга қичиб гапириб-гапириб келиб: «...бу ерликлар ҳали университетда ўқиш даражасига етмаган», деди. Сергей Николаевичнинг қаттиқ наҳли чиқди. Нима дегани ҳозир эсимда йўқ, аммо ўша олифта профессорни ишдан ҳайдатганини биланам.

Уттиз учинчи йили ёзда Бутуниттифоқ химия-фармацевтика илмий-теқшириш институтига ўч ойлик пранктикага бордим. Бизлар беш киши эдик. Шерикларим жой-йўлини топиб кетди. Фақат менгина жойлаша олмадим. Профессор Орехов кўл остида ишласам деб хоҳиш билдирсам, институт мазмурияти: «Унинг лабораториясига ортиқ одам талаб қилинмайди», деб унашмади. Уч кунгача Ореховнинг йўлини пойдаладим. Мен у кишига гоёйбона ошим қўлиб олган эдим-да. Александр Павлович Совет Иттифонда ўсимлик моддалари кимёсига асос солганлардан. Шарқ таботати, Абу Али ибн Сино, ундан олдину кейин ўтган ҳанимлар беморларни, асосан, доривор ғиёҳлар билан даволашган. Орехов лабораториясига худди шундай ғиёҳлардаги моддаларнинг кимёвий тузилиши, инсон соғлигига керакли алкалоидлар — ишпор моддаларини ажратиб олиш йўллари ўрганилади. Мен Москвага сафарга отланганимда шу мақсадни дилимга жо қилиб олган эдим. Илмий-теқшириш институтида эса мени Ореховнинг яқинига ҳам йўлатишмади! Шундан кейин андишани бир чеккага йиғиштириб қўйиб, алкалоидлар лабораториясига берухаст бостириб кирдим. Қарасам, баланд бўйли, оқ халати бир киши эшкни ёнида қўлини ювяпти. Ореховни илгари кўрмаганман, аммо Орехов шу эканини кўнглим сезиб турибди. Юрагим уриб кетяпти. Қайрилиб қарар дейман, қарамайди, кейин:

— Александр Павлович, мен сизда ўқиниш хоҳлайман,— дедим тўсатдан.

У бир қараб қўйди-да, яна қўлини юваверди. Балки Орехов эмас-дир, дейман. Турибман. У бўлса мени унутиб қўйгандай. Қолишимни ҳам, қичиб кетишимни ҳам билмайман.

Анчадан кейин:


— Жуда ҳам хоҳлаيسىми?— деб қолди.

Шундан кейингина унинг Орехов эканига аниқ ишониб:


— Уч кундан бери ҳузурингизга киролмай юрибман,— дедим.

Орехов қўлини арта туриб, мен томон ўғирилди. Бу бола қаёқдан келиб қолди, деб ўйлади шекилли, кўзойнаги тағдидан сиқчиовлик билан тикилдию, нулимсизради.

— Наҳотки? Ҳа, майли, ундай бўлса ишлаш қолинг,— деди. Лаборант қизни қақириб, иш билан таништиришни топширди. Топширдию, чамаси, шу заҳотиёқ унутди. У кўзойнақ остидан тикилиб туриши мумкин, аммо ўз йўллари билан банд бўлганидан сизни нўрмаслиги ҳам мумкин. Александр Павлович билан оғлаб ёнма-ён ишлашингиз мумкин, аммо салом-алиндан бошқа бир оғиз сўз эшитмасли-



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Собир ЮНУСОВ лабораторида. С. БЕЗНОСОВ фотоси.



Устоз ва шогирд.

гингиз ҳам мумкин. У ана шундай галати, намгап одам эди. Лекин у тўнг эмасди. Асло, Александр Павлович жуда маданиятли, мулоим, шу билан бирга сипо киши эди.

Алкоголлар лабораториясида ишлаш бошлаганимга икки ойча вақт ўтгандан кейингина Александр Павловичдан умрбод эсда қоладиган икки оғиз сўз эшитдим. Кўпдан тозаланмаган аралашмалар бор экан; сафора — «эшан мия» ўти эритмасига солиб қўйилган экан. Шунга тозалаб, алкалоид ажратиб олаётганимда нимдир орқамда туриб кузатаётганини сездим. Угириб қарасам, Александр Павлович турибди: юзида ажабланиш аломати.

— Сизга шуни қил, деб буюришдимми? — деб сўради.

— Йўқ, ўзим... — дедим.

Тўғриси, ноҳўя иш қилиб кўйибманми, деб кўрдим.

Александр Павлович жилмайди. Шундан кейингина ичимда чироқ ёқилгандек бўлди.

У шафқ тортмасидан «эшан мия» ўсимлигининг уругини олиб берди. Бу ишонч эди, шундай буюн олимнинг менга билдирган ишончи эди!

Ишладим. Лабораторияда нечалари қолиб кетардим. Чарчаш нима-лигини билмасдим. Домланган ишончи менга қанот бағишлаган эди.

Уйқусиз ўтказган нечаларим зое нетмади. «Эшан мия» ўти уругидан домла раҳбарлигида янги алкалоид ажратиб олдим.

Шундай қилиб уч ойлик практика, иш-изланишлар билан ўтиб кетди.

Тошкентга қайтишга ҳозирлик кўриб юрганымда Александр Павлович ўз хузурига чақириб «шу ерда қолмайсизми?» деди. Хўп, дедим. Қизиқ устуда хўп дейишга дебман-ку, аммо Москвада катта шахарда қайси даромадига яшайман, деб ўйлаб кўрмабман. Уттиз биринчи йили Ленинграддаги «Красный химик» заводига практикага борганимизда тунукачилик ҳунарим қўл келган эди. Ишдан кейин қолиб, тунукачилик цехида карнай, қолип лсар эдим. Илмий-тенгириш институтида эса бу ҳунаримга зарурат йўқ. Яна денг, Тошкентдан стипендия юборишмай қўйишди. Нима қиламан? Ҳаво совуқ. Емгир кийимнинг чок-чокидан ўтиб кетади.

Товарная станциясига бордим.

У вақтларда завод-фабрикалару, элентростанциялар кўмир билан ишларди, бутун Москва кўмир ёқарди. Товарная станциясида кўмир туширадиган бўлдим. Кундузи лабораторияда ишлайман, кейин кўмир оморбига чопаман.

Бир кунни кечаси Сокольниковдаги ётоқча кетаётганим, Свердлов майдонидан Горький кўчасига қайрилишда шошиб келаётган Файзулла Хўжаевни кўриб қолдим. Техникумда ўнб юрганымда Аннал Иромов, Йўлдош Охунбоев билан қандайдир бир маросимда бўлган эди. Шунда уни қияндан кўрганман. Салом бердим. Ялт қарадию, поездега осилиб келиб қолган дайди болаларданми, деб ўйлади шенкили:

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсан? — деди тўхтаб.

Ўзимни танидим. У ҳамон юриб кетяпти. Мен йўл-йўланай ахволимни баён қилиб борламан.

«Метрополь»да турар экан. Меҳмонхонага бошлаб кирди. Яна бошқатдан суриштира кетди. Усти-бошимга ачингандай қараб қўйиб, внидан бир даста пул чиқариб берди. Кейин санаб кўрсам бир ярим миңг сўм экан.

— Ойгинга ботинна, устинга пальто ол. Яхши ўқи,— деди.

Республика ҳукумати номидан кўрсатилган бу ҳиммат бошимни кўнга этказди. Баъзида трамвайга билет олишга чанга тополмай қоладиган студент «Метрополь» меҳмонхонасидан кўнглим тоғдек кўтарилиб чинди.

Етоқча қани кўзимга уйқу нелса! Утириб онамга хат ёздим. «...Мендан ҳавотир олмаңлар, яхши юрибман». Уттиз учинчи йили оғир

пайтлар ахир. Онанзор... ҳавотир олмай бўладим! Бир нитосни ташлаб, иккинчисини қўлга оламан, тонг отақолмайди. Мутолаа қилай десам, миямга ҳеч нарса кирмайди.

Ниҳоят тонг ёришди. Кўчага чиқсам пага-пага лайлан қор ёгяпти. Ҳаммаёқ оппоқ. Биринчи дуч келган нийим дўнонига кирдимю, энг аввал, онамга мун рўмол олдим. Кейин ўзимга пальто, ботинна... Уша йиллар оғир бўлгани билан совет пулининг қадри баланд эди.

Башанг бўлмаса ҳам озода, иссиқ кийиниб институтга бордим. Лабораториядагилар «Мана энди студентга ўхшасан», дейишди. Негадир Орехов йўқлатибди. Кеч келганимга моймасайди, деган ташвиш билан профессорнинг хузурига чопдим.

Александр Павлович одаддагидеки соқолини тоза қирдирган, оҳорли оқ халатда ишлаб утирган экан.

— Нега айтмадинг?

У мени биринчи бор сансиради. Юрагимдаги ҳадин баттар кучайди. — Нимани? — дедим дудуқланиб.

Орехов бош чайқаб туриб, «яхши эмас», деб қўйди.

— Бирга ишласанг-у, аҳволингчи мендан яширсанг...

Мендан тер чиқиб кетди. Ним айтиди экан! — деб ҳайрон бўлдим. Орехов аста юриб бориб жойига ўтирди.

— Кўп боодоб киши экан раисларингиз...

Профессорнинг бу гапи ундан баттар таажнублантирди: қим, қайси раис?... Эшин олдида турганимча қотиб туравердим.

— Еш йигит-ку, давлат арбоби!

Э ҳа-а! Кейин билсам Файзулла Хўжаев ўзи келибди! Менинг ўқиниш, тажриба ишларим билан қизиқибди. Уша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур этиб кўринг-а! Гангиб қолдим.

Ҳозир бундай финр юритиб қарасам, Файзулла Хўжаевнинг оддий бир студент аҳволи билан қизиқиб илмий-тенгириш институтига бориши бежиз эмас экан. Илм-маърифат бўғиб ташлаган, қолоқ бир заминда тикланган ёш республика учун билими мутахассис надрлар сув билан ҳаводай зарур эди! Уша пайтларда шахсан Файзулла Хўжаев ташаббуси билан Москва, Ленинград, Бону, хатто чет элларга ҳам ўнлаб ўзбек йигит-қизлари ўқишга, малана оширишга юборилган эди.

Александр Павлович устоз эди, энди ота-боладай бўлиб қолдим, кундузи ёнма-ён ишлаймиз. Энг мураккаб тажрибалар ўтказганимда сездираймига қўллаб юборади. Янги алкалоидларнинг хоссаларини қандай таҳлил қилиш йўллари ўргатади, кечкурун эса кўрпада қўймай уйига бошлаб кетади.

Мен ҳақиқий дорилфунунни Орехов лабораториясида ўтдим. Чинакам ижод нималигини, кашф этиш лаззатини ҳам Орехов туйфайли билдим. Чексиз-чекгарасиз табиатга қўл уриш, унинг қатралари — гиёҳларда яширинган буюн сирни очиб инсоният учун хизмат қилдириш, бу билан ўзинг ҳам инсоният учун хизмат қилиш завқини у фанининг чинакам шайдоси устоз Александр Павлович туйфайли татиб кўрдим.

У кўп синовлардан кейин менга мустақил ишлаш учун ёввойи кўнюрни тасанидаги моддаларни ўрганишни топширди. Бу оддий студент, тажриба ўтаётган лаборант учун катта ишонч эди. Ишонч кишини руҳлантиради, қанот бағишлайди. Мен ҳам кейинча Ореховдан мерос бўлиб қолган шу одатни қўллаб, ўз шогирдларимга катта-катта муаммоларни дангал ишониб топширадиган бўлдим. Фанда бу жуда зарур. Шундай қилинса ёш киши нимага қодир, нимага ноқобил эканини лққол кўрсатади-қўлади. Таниширмасиз менинг шогирдларим билан: Фаттоҳ Йўлдошев, Георгий Сидякин, Ноил Абуханов, Ҳаним Абдуазимов, Самат Акрамов, Зиёвутдин Исмоилов... ҳозир бир докторлари, профессорлар. Мен ҳам уша ўттизинчи йилларда домланган ишончини оқлаш учун тажриба ўтказиб, найчалар ичида бўлаётган кимёвий жараёнлардан кўз узмай кунни тунга, тунни кунга улардим.

Жафо чекмасиз жонона қайда! Шундай эмасми, огайни? Уйқусиз ўтказган нечаларим беюор кетмади. Ёввойи кўнюрдан фанга номаълум «ремерин» алкалоиди ажратиб олдим. Унинг кимёвий тузилишини таҳлил қилдим. Бу диплом ишим бўлди. Орехов лабораториясида практикада юриб жамо олитга алкалоид тадқиқ қилдим. Тошкентга куруқ қайтмадим. Уттиз бешинчи йили САГУнинг катта залида диплом иши ёқладим.

Университетни битирган, яна Орехов хузурига бордим. Уттиз саккизинчи йили унинг раҳбарлигида кандидатлик диссертацияси ёнладим. Докторлик диссертациясини ҳам Орехов раҳбарлигида ёза бошлагандим. Бахтга қарши, ўттиз тўққизинчи йили устозим вафот этди.

ДОРВОР ГИЁҲ ҚИДИРИБ...

— Кимё-фармацевтига илмий-тенгириш институтида Орехов борида ҳам, кейинча ҳам баҳор кириши билан Москвада қолмасдан дарҳол доривор гиёҳлар қидириб сафар қилардим. Гоҳ Кавказ, гоҳ Урта Осий...

Бу сафар Ботумида қизик ҳодиса рўй берди. — Собир аканинг кўзларига шўхлик, ҳа, ёшлик шўхлиги янла қилди. У кўзоянагини бир кўтариб, ўтирган ўрнида қимирлаб қўйди. — Қолхнда тўңайларда ҳар хил алкалоидли ўтлар териб, қурийтиб, икки оғ қилиб орқалаб, поездга чиндим. Ҳали қопларни жойлаштириб улгурмаган ҳам эдимки, шоп мўйлов бир грузин миллиционер келиб ҳужжат суриштирди. Паспортиمنى бердим. «Қопларингизни кўтариб кетимдан юринг», деди. Ноилол қопларни кўтариб воззалдаги темир йўл милицияси идорасига кириб бордим. Қопни очиб кўрсатдим. Улар мени лавр барглари олиб нетаётган савдогар, деб орқамдан кузатиб юришган экан!

Тоғ-тош, дашт-далада дайдиб юрган нотаниш бир йигитни кўриб қолганларнинг кўнглига нималар келмайди, дейсиз. Ҳалиги миллиционерга ўхшаб ортиқча хўшёрлик кўрсатганлар, қишлоқ советларига судраб борганлар ҳам бўлган. Лекин учрашганларнинг кўнчилиги ўз маслаҳати, қўл кучи, от-улови билан ёрдам берарди. Ибн Сино ҳам ҳамма доривор гиёҳларни ўзи биланвермагандир! У ҳам узидан олдин ўтган, замондош ҳанимлардан ўрганган, халқ таъаботидан хабардор нексалар билан сўхбатлашган. Мен ҳам қайси қишлоқ, қайси чайлага бормайин ўша ердигилар билан, чорвани эмловчилар, табиблар билан

учрашишга ҳаранкат қиламан. Халқ дори сифатида фойдаланиб неглан гиёҳлар юз йиллар давомида синодан ўтган, ахир.

Гиёҳларда шифо бўладиган алкалоид, гликозид, эфир мойи ёки кислота бўлади. Аммо ҳар қандай энци, энци табиблар ўз билганини осонликча айта қолмади; оғзидаги ошини олдириб қўядигандай, сизни ўқитмайди. Уларнинг кўнглини топа билишингиз керак. Уттиз беш, ёки ўттиз олтинчи йилда Парентининг тепасидagi Заркент кишлоғида Туроб ота деган бир мўйсафид билан танишдим. У кишининг натта фазилати — гиёҳларнинг тилини билар эди. Чинакам табият ошиғи эди! У киши билан ариқ бўйидаги сулада кун чойни майдалаб ўтириб, миричиб суҳбатлашдик. Бир кунни энди дастурхон атрофида ўтирган ҳам эдик-ки, узоқдан йиғи овози эшитилди. Туроб ота ичиб турган чойини тугатмай дастурхонга қўйди. Ун-ун икки ёшлардаги ўғли бола вой-войлаганча эшикдан кириб келди. Кетида онаси. Бола мол боқиб юрганيدا болдиридан илон чақибди.

Туроб ота «Кўзинг билан кўрдирингми?», «Қандай илон?» — деб суриштира кетди. Мени заҳари қонга ўтиб ёмон қилмасайди деган кўр-нүз босди: боланинг илон қаққан жойи қонталаш бўлиб кетган эди. Туроб ота болага далда берар экан, ятганининг чўнтағидан қалам-тарош чичқарди. Пайқадимки, боланинг эрасини тилмоқчи. Қалам-тарош нималарга урилмаган дейсиз. Шунинг учун отанинг қўлидан олдим. Пичоқ тигини гуғурт ёқиб алангага тутдим. Туроб ота мен ўйлаганимдай қилди: боланинг илон қаққан жойини тилиб-тилиб юборди-да, ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Икки қидиралти экан, деб ҳайрон бўлдим. Аридан сакраб ўтди-ю, нариги қирғоқдан қандайдир бир гиёҳни юди. Ҳалии ўтнинг бағрини нафтида эзб-эзиб боланинг ярасига қўйди-да: «Бор кетавер, яхши бўлиб қолсан», — деди.

Она-бола кетди.

Мен тинчибёламан:

— Заҳар қонга ўтиб юракни ишдан чиқаради-ку? — дедим.

Туроб ота бўлса пинагини ҳам бузмади.

— Утнинг сuti ҳам қонга ўтади, заҳари несади, — деди.

Кўлдим. Ишонмаганимни сезиб галати бир воқеани айтиб берди.

Туроб отанинг бир эшағи бор экан. Шунини сотиб бузоқ олсам, натта бўлса сизигр бўлади, соғиб ичманам, деб ўзича рена тузибди-ю, Парент бозорига борибди. Эшақни пуллабди. Аммо пулга бузоқ келмабди. Икки қўли бўш, пийёда қайтибди. Заркент билан Парентининг ўртасида анча масофа. Кунда қизиб ётган Яланғоч тепаликлар, сой ўпирган жарликлар. Ота ҳориб бир тут тағида тўхтабди.

Соёда салқинлаб ўтирса, кўндога шитирлаган овоз эшитилибди. Тут тепасидаги чумчулар қаттич қириллашди. Ота тирроға бундай тикилиб қараса олачирок илон. Тепадан иланг-биланг ўрмалаб у ўтирган жойига тинка тушиб келаётган эмиш. Туроб ота йўталиб овоз берди. Илон қайрилиб ўзини жар тағидаги чакаланка қурибди. Чама-си, илон ҳам кун қизиганда шу тут тағига тушиб салқинлар экан.

Жар тағидаги бирор қаванда қовоқ арилар Уай бўлса керак, бирдан тўзиб кетибди. Қовоқ ари ҳеч қаққини? Баси-бай-бай, кўзда қақса борми, дўмбирдайди шитириб юборди.

Илон жар тубидаги чаналдан вишиллаганча қочиб чиқибди. Қовоқ арилар виз-виз шўнгиб найза урармиш.

Ота қараб турса илон нарироққа қочиб борибди-ю, сой бўйида усган баланд бир ўтга чирмашибди. Уша ўтнинг учидан тишлаб роса сўрибди. Кейин пастга тушиб ҳеч нарса бўлмагандай сенин-аста ўрмалаб кетибди.

Илонга даво бўлган бу ўт нима экан, деб ота ўрнидан туриб бориб қараса, сабзи бағрли, ҳиди ҳам сабзи ҳидли эрмон экан.

«Шундай, табибликни мен илондан ўрганганман», деган эди Туроб ота. Мен бўлсам у кишидан ўргандим, кўнликларига кириб, кўпгина доривор гиёҳларни йиғиб қайтдим. Ҳақиқатан ҳам ота дори ўрнида фойдаланган гиёҳларни нимёвни тешириб кўрганнимизда улар алкалоидларга бой эканлиги маълум бўлди. «Билмаганини сўраб ўрганган — олим, орланиб сурамаган — ўзига золим», деган Алишер Навоий. Собир Юнусович мақтанчоқ экан деб ўйламанг тагин. Бўлмаса Туроб ота ким? Чаласавод, диндор бир мўйсафид. Лекин синчово, захни тиниллигидан эшитган-кўрганларини ёдида маҳнам салган, халқ табобати тажрибаларини ўрганган. Натижада унинг захни-дили бир сандиқча айланиб қолган. Агар мен базиларден, «ҳа, бир чол экан-да», — деб ёнидан бесалом ўтиб кетаверганимда ҳалиги дил сандиги ёпиқлигича қолаверарди.

«Қирқ биринчи йилнинг баҳор, ёз ойлариини ҳам шифобахш гиёҳлар қидириб ўтказдим. Эски Авлибада билан Чимкент оралиғидagi қирларда юрганимда уруш бошланганини эшитдим. Шошилич Москвага қайтдим. Москва мен сафарга кетаётганимдаги Москвага ўхшамай қолибди. У вақтда баҳор кийимида, кўрнам, чароғон, тантанавор эди. Энди бутунлай бошқача: чорраҳаларда зенит тўплари. Кеч қиришни билан осмонни пўлат симлар кўтарган ҳаво пуфаклари тўлдирди. деразаларда чироқ кўринмайди. Кўчаларни тўлдирди саф-саф қўшнлар ўтади, чехраларда эса мунг, ўйчанлик. Сомоёт гуриллайди. Қоронги тунини прожекторлар нури тилкалайди. Қаердадир бомбалар гум-гум ёрилади. Енгин бошланади. Мен уйга бормайман. Кўп вақт кунимни ҳам, тунимини ҳам институтда ўтказаман. Уйда, мени кута-диган ҳеч ким йўқ. Хотиним, икки болани олиб Тошкентга кетибди. Кечалари том тепасига чиқиб навбатчилик қилариз.

Уруш даврини эслашинг ўзи азоб. Халқ кўшинига қўшилиб, Москва мудофасида иштирок этдим. Михайловна деган кишлоқда бомба парчаси тегиб чап сонимдан оғир яраландим. Йўғон илигини майданлиб кетибди. Қор, тупроққа қоришиб улар ҳолатда беҳуш ётганимда кўролдошларим топиб олишди. Подольскда, Иваново-Вознесенскда госпиталда ётдим. У ерни ҳам душман авиацияси бомбардирмон қила бошлагач, Қозонга кўчиришди. Етти ой кўкраккача гипсда тахтачанлиб ётдим. Ўёғимнинг тузалавермаганини кўришиб, сезиб турибман, кесийшмоқчи.

Ҳеч қандай қон бузилиш — гангрена белгилари йўқ, кесийшингиз йўл қўймайман! — дедим қабириб.

Ўёғисиз мен қандай нимёғар бўлдим? Далама-дала, тоғма-тоғ юриб,

доривор гиёҳ қидиришни керак, эртадан негачча лабораторияда тинна туриб тажриба ўтказишни керак! Йўқ, қаттич турдим.

Ўйиб-тозалаб қайта гипсга солишди.

Қозондан Свердловскка, у ердан Оренбургга жўнатишди. Оренбургдан эса... бир амаллаб бошимни кўтариб вагон деразасидан ташқарига қарадим. Болалиқдан таниш вокзалини кўрганнимдан кейингина тугилиб усган ана юртим Тошкентга келганимга ишондим! Уша пайтдаги ҳолатимни сиз сўраманг, мен айтмай! Оғир яраланиб, шуна вақт тортган азобларим шаҳримни бир кўришдаёқ эсимдан чиқиб кетди. Қирқ учинчи йил апрель ойида госпиталдан чиқдим. Узингиз биласиз, у вақтлар уйда оёқни узатиб ётадиган давр эмас эди. Бирроқ ҳафта утар-ўтмас Республика Фанлар Комитетининг Иимё институтига қўнлик таёқда кириб бордим. Институтда алкалоидлар лабораторияси ташлиқ қилдим. Илк пайтларда еланга солдат қочғинини осиб, қўнлик таёқда Бўржар бўйлари — бу ёғи Чилонзор, у ёғи Чигатои дарвозага қатнаб, алкалоидли ўтлар тердим. Шундай қилиб юриб, уруш «белига теган» илмий ишимни яқунладим: қирқ саккизинчи йили «Алкалоидларнинг ўсимликларда пайдо бўлиши, тўпаниш динамикаси йилда докторлик диссертациясини ёқладим.

Эллик еттинчи йилга келиб алкалоидлар лабораторияси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари нимёси институтига айланди.

ИМТИҲОН

— Эллик еттинчи йилда эди шенилли... — Собир ана даҳанини аста уқалаб туриб ўйланди. — Эллик бешинчи йили Циорих... Ҳа элли еттинчи йили экан. Парижга Халқаро кимёгарлар симпозиумига бордим. Мендан кейин доқлад қилган бир француз олими ўзи очган янги алкалоид ҳақида гапирди. Шунда Мадам Ливини тилга олди. Мадам Ливи ахир устозим Орехов билан бирга ишлашган аёл! Александр Павлович нўп эслар эди уни.

Француз олими минбардан тушгандан кейин бориб ёнига ўтиришга рухсат сўрадим. Мадам соф рус тилида жавоб берди. Узи Одессада туғилган экан-да. Ишини осон кўчди: Бетаржимон гапаша кетди. «О-о, Месье Орехов? Мадам Ливи лабораториясида ишлаган. Ҳозир ҳам портрети осиглиқ турипти!» деди суҳбатдошим.

Париз аёллари жозибали бўлишди. Тан бериш керак, — деб мийғида қулиб қўйди Собир ана. — Домламининг портретини бир кўриш иштиёғи юрагимни бетинч қилди; ҳалиги аёлга эргашиб лабораторияга бордим. Мадам Ливи соди оппоқ, келишган бир нампир экан. Александр Павловичнинг шоғирда эканлими эшитиб: «О-о, Александр!..» деб нималардидир ўз тилида айтиб жуда кувонди. Ешлик чоғлари эсига тушиб кетгандир-да, кўзига ёш олди. Узи бошлаб юриб Александр Павловичнинг иш столини, деворда осилган портретини кўрсатди. Ненг пешанасида чуқур ўй, кўзларидан нур ёғилиб турганди эди домламининг.

Эллик бешинчи йили СССР Фанлар академиясининг баш президент Немеянов бошлиқ бир группа совет олимлари халқаро конгрессда қатнашиш учун Циорих шаҳрига бордим.

Мана, минбарда америкали оли Вудворд, пенициллиннинг ижодкори. Шунинг орақсида бойиб кетган миллионер. У стрихнин алкалоидининг тўла синтезини татомлаганилиги ҳақида ахборот берди. Вудворддан кейин гапириш навбати менга келди. Лабораториямизда алкалоидлар нимёси устида олиб борилган тадқиқотларимизни ҳақиқат доқлад қилдим. Вудворд битта алкалоиднинг нимёви хоссасини тузиб чиққан экан, биз ўйлаб янги алкалоидлар ажратиб олганимиз, уларнинг нимёви хоссасини тузганимизни гапириб мадваллар ёрдамида намойиш қилдим.

Конгресс қатнашчилари шарафига зифат берилганда негадир мени Совет Иттифоқидан борган ҳамроҳларимдан ажратиб тўрга ўтказиб қўйишди. Жуда ноқулай бўлди. Ахир, академик Немеянов, академик Казанскийлар бор... Унг томонида Вудворд, сўл томонида гарбнинг яна бир атоқли олими, «Мистер Юнусов», «Герр Юнусов» деб ёққан савол беришди. Саволлар замонавий нимёнинг нур тартибид турган муаммоларига оид. Зифат илмий мунозарога айланиб кетганди эди чамада. Айниқса, венеали Шпетт деган олимнинг шоғирди, ёшроқ профессор, савол устига савол ёғдирилпти. Шундан кейин мени имтиҳон қилишаётганини пайқаб қолдим. Улар менинг халқаро минбарда туриб фанга номаълум бўлган янги алкалоидлар тадқиқотида оид қилган доқладимга ишонмишманга ўхшайди. «Кашфиёт бу осийлиқнинг қўлидан келадиган иш эмас, доқладни руслар ёзиб берган. У фанат ўргатилгани сайраган, деб ўйлашиб, қасдан ҳамроҳларимдан ажратиб имтиҳон қилишаётган экан! Соцларим тинка бўлиб кетди. Лекин ўзимни босдим. Ҳалиги венеали профессорга ўзининг домласи нашф этган феноантридин алкалоидлари группасига оид савол берсам, тутилиб чала-чупла жавоб қилди. Ҳолбуни Шпеттнинг нашфиёти ёнига қўшилган янгиликлар инглиз, немис матбуотида алаңачоқлар эълон қилинган. Шундан кейин бошқаларнинг ҳам попули пасайди.

Буни академик Немеянов ҳам сезиб ўтирган экан. Зифатдан кейин йўлда кетаётди: «Собир Юнусович бугун имтиҳондан ўтди», деб қулиб қўйди. Тўғри, илгари нўп имтиҳонлардан ўтганман. Аммо бу сафарги имтиҳон аввалгиларига ҳеч ўхшамас эди.

Собир ана билинтиймагина кўл соатига қараб қўйди-да: — Энди сиз шоғирдларим билан суҳбатлашинг, — деди.

Кечки пайт ишонамда ўтириб замондошларим буюк кимёгар — уста ва унинг шоғирдларидан эшитганларимни қозоғга тушириб бўлиб, энди нуқта чеккан ҳам эдимки, радиодан хушхабар эшитиб қолдим. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Ватан фанига қилган катта хизматлари учун бир группа совет олимларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилибди. Шулар қаторида Собир Юнусов ҳам бор.

Қувончининг чеки йўқ эди. — Муборан бўлсин, Собир ана!

Неча кун уйда ўтира-ўтира зериккан Алимат оқсоқол, катталарга бир йўлиқиб чигилими ёзиб олай деди-да, идорага келди. Тўппа-тўғри раиснинг кабинетига йўналганда, қабулхонадаги секретарь қиз:

— Ҳайдаров жуда бандлар-ку, отажон,— деб уни тўхтатди.

— Нима, нима! Энди ижозат билан кирадиган бўлиб қолдикми, опоқ қиз? Бизнинг вақтда бунақа эмасди-ку!..

Алимат оқсоқолнинг бароқ қошлари чиририлиб, укин кўзлари кинидан чиқиб-ганини кўрган қиз:

— Ҳозир сўраб чиқаман,— деб дикка ўрнидан турдию, кабинетга отилди.

— Ҳожати йўқ!— деди оқсоқол зардаси қайнаб ва этигини қўлоб дўқиллатганча чиқиб кетди.

— Нима гап!— деди, партком секретари ва муовинлари билан ниманидир

нинг феълини билишгани учун ҳеч ажабланишмади, маслаҳатлари чала қолса ҳам секин-аста кабинетни бўшатди. Ҳайдаров, оқсоқолни ўз қаршисига ўтқазиб, чой қуйиб берди, нима иш билан келганини сўрашга ботинмай, савол назари билан тикилди.

— Узим келмасам ҳам, мундоқ хабар олай демайсанлар,— деди у бирдан шикоятга ўтиб.— Биз энди колхознинг ўғай ўғли бўлиб қолдик шекилли...

— Э, ундоқ деманг, Алимат ака. Ҳамма вақт ёдимиздасиз-ку!— Ҳайдаров, «Ушандоқ йўқловимиздан ҳам кўнгли тўлмабдим, нима балол!» деган фикрни кечирди. Йигим-теримни туғаллаш билан жуда ўрналишиб қолганлиги сабабли ўзи боролмагани учун уар сўради.

— Виламан, баридан бохабарман,— деди худди шуни кутгандай Алимат оқсо-

бақадош областдан меҳмонлар келибди, биз беҳабармиз...

«Яна эсин гиналар» деди ичиди Ҳайдаров. Бундай гиналарни ўтган ҳисобот сайловдан бу ёнга эшитиб келади. Алимат ака расликдан тушгандан сўнг, бир неча ой кўринмади— Кавказга, марказий шаҳарларга саёҳат қилиб келди. Сўнгги йилларда у ўз роҳат-маишатига қўпроқ берилди. Томорчасини хийла кенгайтириб, серҳосил қилиб олди, қўш говмиш ситғири, яйловдаги чорвага қўшиб қўйган ўнтача қўй-қўзиси бўлиб, рўзғори ҳуш тўксиз эди. Алимат оқсоқолнинг тўғи яшашини билса-да, янги раис хушёрликни қўлдан бермади, унга эсин хизматларини эътиборда тутиб, каттагина нафана тўғриллатиб берди. Яна унга: «Ишлаб ўрганган, бардам одам-сиз, зерикиб қолманг» деб турли вазифаларни тақлим этди: «Пахтачилик бригадасига бошчилик қиласизми?» деса, иззат нафси койиб: «Сизлардай вақтимда далада хўб кетмон чопганман, етар!» деди. «Бўлмаса чорва фермасини берайлик» дейишган эди: «Куним энди ҳайвоннинг тагини тозалашга қолдим!» деб ор қилди. Агар ҳавойироқ ишни хоҳласа, қурилиш, боғ бригадаларига бошчилик қилиб қўйишмоқчи бўлган эди, бу вазифаларга ҳам бўйни ёр бермади. Шунча эътибордан сўнг ҳам оқсоқолнинг даъвоси, нолиши қолмай, ҳеч ким ва ҳеч нарсадан кўнгли тўлмагани ажабланарли эди. Қўзига ҳамма уни камситибган, унутайтгандай туюлиб, буни ҳам янги раисдан кўрар, «каттаконки назар солмагандан сўнг, пастдагилар қайрилиб боқармиди», дерди.

— Кеҳирасиз, Алимат ака,— деди тоқати тоқ бўлган Ҳайдаров,— биз сизни хурматли оқсоқолимиз деб ҳамма вақт эътиборда келяпмиз. Агар истасангиз, қаватимизга келинг, аравини тортишинг, деб неча вазифани кўрсатдик. Ҳўзингиз келишни истасангиз, нима қилайлик?

— Вазифанг керак эмас, ука. Мен қорнимни эмас, қадримни уйлаямман,— деди тўғриллаб Алимат ака.

— Бошқа кексаларимиз қоринларини ўйлашапти, холосми? Улар ҳам уй-жой, рўзгор ташвишларидан тинишган. Фақат правлениенинг илтимосини ерда қолдирмай, баҳоли-қудрат аравини тортишяпти, ёшларга бор тажрибаларини беришяпти, ҳеч бирларидан нолиш эшитганимизча йўқ.

— Ҳа, кўрялман. Теп-текин жой, овқатлар билан бовлаб-тўшлаб турганларингдан кейин ҳам нолиши борми!

«Ҳа, гап қориндамас— қадрамимиз-а. Балойи нафси деб қўйди Ҳайдаров. Алимат ака, колхозда янги очилган санитарийга шама қилмоқда, гўё ҳамма фойдаланиб, у қуруқ қолаётгандай ичи куймоқда эди.

— Тўғри,— деди очиқ савдо қилиб Ҳайдаров,— ишда чарчаб қолган кишиларни навбати билан даволаямиз. Санаторийни очишдан мақсад шу эмасми?! Башарти сизда ҳам шунақа зарурат бўлса...

— Э, ука, нимасини айтасан,— деди бирдан дами пасайиб Алимат ака ва сало-матлигидан нолий кетди.


— Ундай бўлса, санитарийга чиқиб боринг, мен айтиб қўяй,— деди Ҳайдаров, оқсоқолдан осон қутулганига шукур қилиб.

Эртасигаёқ, раис «Болга»да Алимат акани кишлоқнинг тоққа туташган кўркам еридаги санитарийга чиқариб юборди.

Санаторийда кекса ва ўрта ёшли ўнга яқин колхозчи бор эди. Алимат ака бориши билан уларнинг истироҳатига путур етди. У ҳар нарсадан баҳс топиб шовқин кўтарарди: дам олаётган вақтда биров йўлдан йўталолмас ё радио қўёлмасди. Ювнини хонасида беш-олти минут навбат куттишга у кишининг асаби дош беролмасди. Газета кечкиброқ келган кўни хизматчилар балага қоларди. Ошхонадагилар-ку зириллаб туришарди. Нонушгадан бошлабёқ: ё чой тузук дам емаган, ё дами ўтиб кетган, деб хархаша бошларди. Овқатларнинг туз-намагидан камчилик топиб ошпазининг дилини номозомон қилмаган вақти кам бўларди. Бир кўни оқсоқол ошхонага девзира гуручидан кунжут ёғида палов дамлашни буюрган эди. Девзира гуруч топилдию, кунжут ёғи топилмай, қўй ёғи билан пахта ёғи омухтасида дамлаш-

ТАШВИШ

Ҳаким НАЗИР



ҲИКОЯ

маслаҳатлашиб ўтирган Ҳайдаров, эшикни қия очган қизга. Қиздан жавоб олган, жеркиди.— Нега киритавермадинг, ахир!

— «Ҳозирча ҳеч кимни киритма» деган эдингиз-ку,— деди қиз.

— Чоп, қақриб кел!— деди раис. Ҳамроҳларига айтаётган гапи оғзида қолиб, ўзи ҳам қизнинг кетидан югурди. Шунда лоп этиб дилига кечаги юбортирган нарсалари келди. Колхознинг хурматли кексалари қатори Алимат акани ҳам байрам олдидан бир аравада қовун, тарвуз, боғ мевалари билан йўқлаган эди. «Балки шунга раҳмат айтгани келдимкин-а?»

— Алимат ака! Ҳов оқсоқол, бу ёққа қаранг!— деди раис, тасир-тусир чиқиб бораётган чолнинг кетидан.

Алимат ака эшитмаганга олиб кетаркан, Ҳайдаров қадамни илдамлатиб этиб олди, уэр оҳангида сўрашди-да, изига қайтармоқчи бўлиб.

— Балли, ука, раҳмат. Банд экансан, вақтинги олмайман,— деди оқсоқол зарҳанда билан.

Ҳайдаров эса ялингандан баттар бўлиб оқсоқолни кабинетига бошлаб кираркан, кутиниб қолган шериклари дув ўринларидан кўтарилиб оқсоқолга қўл беришди. Ҳайдаров энди фақат оқсоқолга парвона бўлиб қолган эди. Шериклари оқсоқол-

қол,— бу йил ишлар судралапти. Ўйлаб кўрдингми, бунга сабаб нима?

— Сабаби маълум-ку!— деди Ҳайдаров, оқсоқолнинг ўсмоқчилишига ҳайрон бўлиб.— Бу йил кўкдам кеч кириб, кўз эрта тушди-да.

— Э, ука, бизнинг вақтларда бунақа об-ҳаво қийинчиликлари бўлмапти дейсанми!

— Бўлган, аммо пача нам тортиб қанча қанча эди у йилларда?

Алимат ака пича нам тортиб турдию, ёш раиснинг серандишланигидан фойдаланиб, юзини сидириб ташлади:

— Гап одамларда ука. Бизнинг вақтда бошқача эди. Ҳозир-чи, одамларинг но-боп. Атрофингда аравини баравар тортинадиган, холис маслаҳат чиқадиганлар кам, борлари ҳам она сути оғзидан кетмаган гўр...

Оқсоқол бу билан гапнинг нишабини ўз тарафига ағдараётганини Ҳайдаров сезиб турарди. Шундай бўлса-да сўради:

— Нима қилсан экан, оқсоқол маслаҳат беринг...

— Барн бир,— деди у норозилигини яширмай,— берган маслаҳатимиз ҳавога учадди. Жуда билимдон бўб кетгансанлар ҳамманг. Ўзндай кекса тажрибакорларга ҳожат қолмаган. Мана неча топқир мусо-

Афанди КАПИВ

ШЕЪР ҲАҚИДА СУҲБАТ

(ПАРЧА)



— Кулоқ сол, Ҳабиб! Гапирувчи уруғ сочоди, тингловчи ҳосил ўради. Гапларимга қулоқ сол. Нима учун юрагим хувиллаб қолади деб ташвиш тортмаслигини, нима учун чарчашни билмаслигини гапирит берай. Эшлинда гап кўп, аммо битта ёшликнинг ўзи кифоя эмас. Эсингда бўлин: чинакам шоирнинг юраги боғдай қулф уриб, чан-чан томиб туриши керак. Яхши сўзлар баланд даракларда битади, уларни парварши қил. Кимда ким тажрибага эга бўлсаю кўнгли ёш бўлса, ўша шоир. Унинг муҳаббати ёз кўёшидай сахий бўлиши лозим (боғдаги дараклар қўёшда гуллайдил), унинг газоби момақалдироқ пайтидаги дарёдай наъракор бўлиши лозим (боғнинг илдизлари намликдан озиқланади). Бусиз ҳаёт қарахт бўлиб қолади, натижада кўнгли боғи тезда сахрога айланади.

Эшлигимда бегараз сеғги билан холисона газаб бир муфт қанотдай бир-бирига боғлиқли, худди шулар бургутга парвоз бағишлайди, деган гапни эшитган эдим. Қанотлар қанчаллик мустаҳкам бўлса, бургутнинг парвози шунчаллик баланд бўлади. Устозларим менга: «Парвоз қил!— деган эдилар. — Душманларнинг энг кичин ёмонлигини ҳам ҳеч қачон афв этиш кўрма, чунки битта ёмонлиқни афв этиш билан қанотингдаги газаб патингдан биттасини йўқотсан, натижада парвозинг пасаяди. Агар ҳамма қаҳрамонлар лочин бўлса, шоир бургут бўлмоғи лозим: парвоз эт, қанотларингни кенгроқ ёз!» Эндиликда кимки мейдан илҳом нимагини сўраса, мен ҳам «Парвоз қил!» дейман. Бу шундай бир қонуниқ, қўшиқ шу қонунидан бошла-нади.

Эшлигимда чап қанотим — ишқ қаноти — унғ қанотинга нисбатан заифроқ эди, чунки у вақтда севинишга арзигулик бирон нарса йўқ эди, жуда кўп нарсаларга нафрат билан қарар эдим. Эшлигим ғам-алам юки остида эзилган эди; қанотларимни ёзишга кенглик йўқ — уларни азоблар чандиб ташлаган эди...

Менинг йўлим саҳролар ва қумлин доволлар орқали ўтди. Бу қумлоқларда одам изи йўқ эди. Йўлда учраган кудуқлар шўр бўлиб, уларнинг суви тилимини ловиллатиб ачитди. Юзимга уриб турган гирдибодлар гангитар эди. Мен гоҳ йиқилар, гоҳ турар эдим. Ҳар бир одамнинг ўз Бағдоди бўлади. Мен ҳам ўз Бағдодимга йўл топсам дердим. Аммо у замонларда қашшоқ ҳаёт нечирувчи ҳалол одам саҳроларда бекордан бекорга тектирар эди. Бундай одамнинг Бағдоди ҳали топилмаган бўлиб, унга оlib борувчи тўғри йўлни ҳеч ким билмас эди.

Сизларга маза, Бағдод дарвозаси олдида турилгансиз. Қандинги ур, йигитча! Ўз Бағдодинг топиладиган некин унинг учун жон бериш, уни ҳимоя қилиш йўлида ўтга ҳам, дўзахга ҳам киришга тайёр туриш нақадар бахт, бундан бошқасини истамас эдим!.. Ҳа шундай. Бироқ бизларга қийин бўлган...

Гоҳ-гоҳ орқамга қайрилиб қарайману ўзимни ўйлайман: ўтиш доволларида қора излар қолганини кўраман, бу — бир замонлар тутаб кўзларимни аништирган гулҳанларим. У замонларда қамбағал ошиқнинг шон-шухратини ҳар томондан ёпирилиб келувчи кўм бўронлари кўмиб ташлар, жалалар вайрон қилиб кетар эди, мен бир-бир ошиқ (ошиқ азоб чекувчи демакдир!) ўзи ҳаётлигидега бахтиёр бўлганини эшитган эмасман.

Ҳозир етмиш ёшдаман. Гапинг тўғри, одатда менинг ёшимда шоирлар йилгоҳ бўлиб қолишади. Бошимдан кечирганим аччиқ қисмат қонимга тош бўлиб чўккан, у қариллик тарозусини босиб турибди. Бироқ менинг қонимда ҳали қайнаб турган шароб ҳам бор. Юраклар ҳар хил бўлади!.. Бу мўъжизаси ёни бошқа нарсами, билмайману, лекин кўриб турибсанки, менинг яшаган йилларим Бағдодга фаеқуллода қарвон сифатида эмас, балки унинг ўз қарвони сифатида кўнғироқларини тантанавор жаранглатиб кириб келди...

Энди бу ёғини эшит. Қизим, нега менинг эскириб қолган тегирмон тошларим бунчалик вақтичоглик билан айланяпти экан! Еки улар қайтадан ясалганими? Нега менинг боғимда ҳали ҳам бўлбулар сайраб турибди, нега мен ҳозир ҳам дараклардан дуваран меваларни узишни истайман! Нега шон-шухрат гулҳаннинг алангаси бугун яна ҳам авнида, нега кенса юрагимнинг ҳарорати тамом бўлмапти?

Бунинг сабаби шунки, Ҳабиб, улкан газаб ҳам улкан муҳаббатдай, қалб қаримайди. Ҳозир менинг қанотларим ҳеч нарса билан боғланган эмас. Бутун қалб билан севиниш мумкин бўлган нарсани топиб олдим, энди менинг нимага қанотим ҳам кенг эзилган. Сен ёшсан, бунинг ёдинда сақлаб қолишинг керак. «Кўп нарсасга эга бўлган одам ҳоримайди» деган мақол бор. Гарчан фақат ўз тилимда куйласам ҳам, мен — лағзи шоири ҳам эмасман, навқазини шоир ҳам эмасман, мен — совет шоириман. Чунки Қизил Армиани куйлайман, Қизил Армия эса Москвада ҳам, Самарқандда ҳам битта, тоғда ҳам, водийда ҳам бирдам, ҳафнафас.

Мен номсомолни куйлайман, грузин номсомоли ҳам, лак номсомоли ҳам бир хил. Ватанимиз битта. Бас маълумки, мен ёлғиз лағзи шоири эмас, балки умумхалқ шоириман.

Мен кўп нарсанинг эгасиман, Ҳабиб, мен ҳоримаслигим керак.

Чинакам сеғги ҳатто кичкинагина ялтироқ кўртнинг қорнида ҳам олов пайдо қилади, мен эсам одамман! Чиркинликка нисбатан ҳалол нафрат ҳатто қоллардаги совуқ чашмаларни ҳам қайнашга мажбур қилади, мен эса одамман!

Шундай замонда мен тинч тура оламанми? Агар мен шоир эканман, тинч туролмайман! Сен ҳам менга хотиржам яшашни маслаҳат берма. Тушунсангчи, ахир: шоирлар ҳар хил бўлади. Қўёш қарақлаб турганда энг ҳосилдор туپроқда унган битта гуддан илон заҳар олади, болари асал олади. Мен совет шоириман, мен асал излайман. Тўғри, мен қариб қолдим, лекин қариб қолган арининг асали аччиқ бўлади деб ким айтиб сенга? Сен мени ранжитдинг, Ҳабиб!

Сулаймон панжалари билан ҳассасини маҳкамроқ сиқади — кўллари қалтиради. У ўрнидан туриб қаддини ростлайди, ёстиқни кўтариб, унинг бир бурчага томон йўл олади. Бурчада ёстиқни қўёш нури балқиб турган гиламга ташлайди, деразага қараганча узоқ вақт жимиб қолади.

— Сен доно фикрларни айтласан, Сулаймон! Сен билан баҳслашганига оғизман...

Сулаймон қайрилиб менга қарайди. Унинг фикр ва ҳаёл тўла кўзлари ҳам нури, ҳам ғамгин. Юзлари оқариб кетган. Сарпоячан обқиларга тушиб турган заррин қўёш нуллари липиллайди.

О, Ватан, о, менинг буюк Ватаним! Оддий фарзандларнинг буюклиги ва намтарлигини ёлғиз сенинга сеза олсан, уларнинг орзу-умидлари фақат сенингина маълум...

Сулаймон ҳеч қандай жавобсиз, индамай бошини бир томонга хиёл эгиб, дераза ортида кучайиб бораётган шомолда боғнинг шовуллашига қулоқ солади...

ди. Оқсоқол пахта ёғи жигилдонимни қайнатади деб, нақ қиёмат-қойим кўтарди, ўзи ҳам ош емай, бошқаларга ҳам заҳар қилди. Дам олувчилар, отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмаган оқсоқолни юпатишга уриниб кўрсалар, у ўзининг Кавказ курортларида кўрган ҳузуур-ҳаловатларидан гапирарди. Гўёки «жанинат ҳавзи-каваридай», одамни бир чўмилиб чиққанида йигитдай ёшартувчи оромбахш иссиқ наъран сувларини, «Умар Ҳайём кўнларга кўтарган» шифобахш шаробларини мақтаганда, ҳамроҳлари бунга ортинча парво қилинмасди. «Узоқдаги жигардан яқиндаги ўпка тузук» деб ўзлари турган жойнинг фором об-ҳавоси, жилдир-жилдир булоқлари, ойнадай тиниқ ҳовузда сўзган гала-гала танга балиқлари, ширин-шарар узум-анорларини таърифлаб кетишарди. Оқсоқол менсимасликка олиб:

— Бе-е, мен кўриб келган ажойиботлар

олдида бу ерларимиза ҳеч гапмас!— деса, энгаси қотган ҳамроҳларидан бири:

— Сизнинг вақтингизда бу ҳам йўқ эди-ку!— дейди, иккинчиси эса:

«Ўшандоқ шохона жойларга ўрганган одам, бу ерда нима қилиб юрибсиз ўзингизни хор қилиб!— деб кесатади.


Хуллас, ўртадаги совуқчилик кундан-кун газак олиб фасод боғлади. Ёлғиз ўзи бир хонада туришни истagan оқсоқол, икки ҳамхонасини жингга тегавериб сиқиб чиқаргандан кейин, фасод ёрилди. Булар оқсоқол устидан раис билан парткомга хат ёзишди: «Бу ерда ё биз турайлик, ё собиқ раис турсинлар» деган масалани кўндаланг қўйишди. Ун киши имзо чеккан бу хатни ўқиб, Ҳайдаровнинг тепа сокин тинга бўлди: «Ё таваба, зап ташвиш бўлди-ку, на иссиққа кўнади, на совуққа-я бу ношукур банд!»

Ҳайдаров ўз муовинлари билан бу муш-

кул муаммо устида ўқиб бош қотиришди. Охири, оқсоқолни санаторийдан қўзғатиш учун шундай тadbир йўлаб топилди: эртасига правление мажлиси бўладиган эди. «Келсан йил иш режаларини тузишда тажрибакор сифатида сизнинг қimmatли маслаҳатингиз керак, албатта етиб келинг» деган таклифнома юборишмоқчи бўлди. Ҳайдаров, дам олувчиларнинг шикоят хатини оқсоқолга қандай қилиб оламиз деган эди, партком секретари унга таъна оҳангида айтиди:

— Сийлаганини сиз билмас, дейдилар. Ахир бу ношукур инсонни қачонгача сийпалаймиз. Андишанинг ҳам чеки бор-да, ўртоқ Ҳайдаров. Менимча, мажлис охирида шикоятни ўзларига ўқиб берайлик. Агар тағин гиринг-пиринг десалар, бутун қалиңларини юзларига солайлик, ўзларидан кўрсинлар! Нима дединглар?

Бу фикрга ҳамма қўшилди.



1. Қани, қани, оёқ олишларингни кўрай-чи, жоним мурабболар...



2. Оҳ-оҳ-оҳ!! Киройи ўйин деган мана мундоқ бўпти-да!




3. Ҳой, нима қиялсан?! Краснийга оширмайсанми?!

**„ПАХТАБОР“
НИНГ АТОҚЛИ
ТАРАФБАШИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
АРТИСТИ СОИБ ХЎЖАЕВ
СТАДИОНДА

С. Безносос репортажи.



4. Кам бўлма, аканг қарағай..



5. Гол!!! Вой-ей, энди нима қиламан?



6. Яхши от кейин чопади. Эндиги ўйинда ҳам албатта ютамыз.

Езувчи ўтмиш воқеаларини тасвирлар экан, бевосита ўша давр учун хос бўлган сўз ҳам ибораларини қўлайди. Эскирган, яъни архив сўзлар асарнинг гоёвий йўналишига қараб турли вазифаларни бажаради.

Эскирган сўзларни танлаш ва ишлатиш автордан кўп билим, меҳнат ва эҳтиёткорлик талаб қилади. Анс ҳолда тарихий ҳақиқат ҳақида нитобхонда тўлиқ тушунча ҳосил бўлмаслиги мумкин. Сўз санъатининг устаси Садриддин Айний эскирган лугатдан тасвирланаётган воқеа мазмунига мос сўзлар танлаб, улардан санъаткорона фойдаланди. Уларнинг баъзиларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

МУЛЛАВАЧ 4-а сўзининг хеш-табаринлик (мулланнинг боласи) маъносидан ташдари яна икки маъноси бор. Муллаваччалар — саводли ёшлар, дин ҳақи, иккинчидан, мадраса талабалари. Ҳозирги тилимиздаги «студент», «талаба» сўзларини унинг ўрнида қўллаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи мадраса ҳаёти ҳақида сўзлар экан, бевосита «муллавачча» сўзини ишлатади.

ОРИЯТ сўзи умуман уялишни ифодалайди. Садриддин Айний «Судхўрнинг ўлими» асаринда «орият» ва «ориятши» сўзларининг қўйиладиган маъноларини ҳам изоҳлайди: орият — бирор кишига муваққат берилган нарсас. Бухоро мадрасалари истилоҳида ҳумра биронор кишига муфт, тенги берилган бўлса, орият дер эдилар. Истиқомат қилувчи шахсни эса ориятшин, дейилар эди. Орият сўзи жонли халқ тилида ҳали ҳам ишлатилади. Унда ор қилиш, биронинг ённи олиш, орқасида ҳимоя қилиб чиқиш каби маъноларни ҳам беради.

САЛОМ ОҒАСИ. У «қўллар»нинг саломига жавоб бериш амрининг «шаънига муносиб бўлмагани» учун, «салом оғаси» деган мазмун бўлиб, у амирнинг алиини танқорлар эди.

АРБОВ сўзи Оқтябр инқилобидан аввал, одатда йирин ер эгаларидан тайинланадиган катта қишлоқ оқсоғони маъносини ифодалаган. Инқилобдан сўнг бу сўз арханизга бўлиб,

Сўзлар сўзлайди

«АРХИВ ЭМАС, ХАЗИНА...»

маълум муддат давомида истеъмол қилинмади. Орадан бир қанча вақт ўтгач, жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда, бу сўз янги тушунчани ифодалаш учун қўллана бошлади. Ҳозир арбоб сўзи фан, санъат, адабиёт ва бошқа соҳаларда танилган, социалистик жамиятимизнинг равақи учун хизмат қилувчи машхур киши — «деятель» маъносини ишлатилади.

СУҒУҒИ — бу сўзни академик В. В. Бартольд шундай изоҳлайди, сўф — жуи, жундан кийим қилиб кийган, демандир. Бу сўз аввал «дунёдан безган», «художўйи» маъноларини ифодалаган. Кейинроқ сўфизмининг турли оқимлари га мансуб бўлган кишиларни шундай деб атаган.

Давр ўтиши билан сўфи сўзининг маъносида ҳам ўзгариш юз берди: бу сўз тақводор, бу дунё лаззатидан воз нечган киши маъносини билдириш билан бирга, масжидда азон айтувчи, кишиларни намозга чақирувчи муаззин маъносини ҳам қўллана бошлади. Сўфи сўзи жонли тилда баъзан содда, гўл маъноларида қўлланади.

ДУО сўзининг уч маънода қўлланганини кўраимиз: биринчиси тамоан диний маънода бўлиб, турли хил касалликларни «даволаш» учун руҳонийлар томонидан ёзиб бериладиган бир парча қоғозни билдирган. Дуонинг иккинчи маъноси — яхши ният, тилак, истақ, де-

мадир. Учинчи маъноси ҳам бори: салом айтиш, сўраш маъносини ҳам ишлатилган. Масалан, шоир Фурқатнинг қўнқонли дўстларига дуои саломномасини эсланг.

ИЖТИМООНА сўзининг ўзаги «ижтимо», «жамъ» бўлиб, йинглиш, жам бўлиш маъноларини билдиради. Бухоро мадрасаларидаги муллаваччалар ўзаро пул тўллашиб, зиёфат уюштирар эдилар. Ана шундай зиёфатнинг номи ижтимоона деб аталар эди. Ижтимоона сўзи ҳам Бухоро мадрасалари шароитида фаол қўлланган бўлиб, энди истеъмолдан чиқиб кетган.

«ЛАШКАРИ ИСЛОМ» ибораси асарда муайян маънони ифодалайди, Қўрбошилар ўз ниятларини лашхари учун ислом дини номидан иш кўрганлар. Улар лашхарларимиз дини ҳимоя қилиш йўлида курашлатпти, деб халқни чақғитишга уринганлар. Худди шунга боғлиқ ҳолда ўз урушларини ғазот, деб атаганлар.

«ҒАЗОТ» — диний урушни билдирувчи сўз бўлиб, ислом дини байроғи остида ислом динидан бошқа динга мансуб бўлган халқларга қарши «муқаддас» жанг маносини қўлланган. Арабча ғазот ва ғози сўзларининг ўзаги бир. Ислом динида «муқаддас» жангда иштирок қилган, одам ўлдирган киши ғози, дин йўлида жангда ҳалок бўлган киши эса шахид ҳисобланган.

Ёзи биргина Айний насрини таҳлил қила туриб, адабнинг юзлаб, ҳатто минглаб эскирган ибораларга мурожаат қилганини кўрдик. Зотан, эскирган лугатнинг бадий асарларда давр қиёфасини яратишда, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштиришда, тасвирланаётган воқеаларнинг жонли бўлишида муҳим урни бор. В. В. Маяковский рус адабиётида эскирган лугатдан унумли ва усталин билан фойдаланган сўз санъаткоридир. У эскирган сўзларни «...архив эмас, хазинадир», дейди.

Эргаш ҚИЛИЧЕВ,

Тошкент Давлат университети аспиранти.

УМРЗОҚ БОБО...

Маҳмуднинг дунёга келиши онладаги фарзандсизлик доғини ювиб юборди. Бу 1849 йил эди. Тўнғич ўғилдан сўнг онлада бирин-кетин яна олти фарзанд тўғилди.

Октябр садолари Грузия ерларига ҳам етиб келганда бу катта меҳнаткаш хонадон эди. Камбағаллар ўз ерларига эга бўлишиб, жабр-ситамдан умрбод қутулишди. Маҳмуд бобо бу пайтларда етмишдан ошиб қолган эди. У Советлар ҳокимиятининг қувонч билан кутиб олди, биринчи бўлиб колхозга кирди.

1944 йилда Маҳмуд бобо ўз уруғлари билан Пойариқ районининг «Москвас» колхозига кўчиб келди. У тиниб-тинчимас қария эди. Тўқсон бешдан ошиб қолган нуруний қолнинг этак боғлаб пахта теришга чикиши кўпларни ҳайратга солди. Уруш давом этаётган ўша оғир даврларда Маҳмуд бобо даладаримизда астойдил меҳнат қилди. Кунига 100—150 килограммдан пахта териб, бир неча бор мукофот олди.

Колхоз раҳбарлари унга пенсия таъин этишмоқчи бўлишди. Бобо унамади, «меҳнатда тиримиз» деди. Улуг Ватан уруши ғалабасидан сўнг, колхоз район жамоатчилиги бобонинг 100 ёшини тўй қилди. Ушанда бир йўла пенсияга ҳам узатиб қўйишди.

Маҳмуд Мамедов ҳали бақувват, бардам 120 ёшли нуруний бобо гоҳ Грузияда, гоҳ Тошкентда, гоҳ Бўнада — фарзандлариникида роҳат қилиб юргани юрган. Бобо яёв юришни яхши кўради.

У кишининг отаси Мамад бува 155 ёшда, онаси Хаёлхоним 135 ёшда қазо қилишган.

Маҳмуд бобонинг элликдан зиёд наварра-чевараси бор. Фаол жамоатчи, табаркур умр соҳиб Маҳмуд бобо Мамедовга яна кўп йиллар сиҳат-саломатлик, бардамлик тилаймиз.

Эркин МУЗАФФАРОВ.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Бу йил нечачи синфга кўчдинг?

— 1 «а» синфидан, 1 «б» га, — жавоб берди Қодир.

— Бу тўп бола «деҳқон» ўйини ўйнашарди.

— Мен чопиқ қилган еримга гул, райҳон экаман, — деди Азиза.

— Мен ҳандалак билан қовун.

— Мен-чи, — деди тешасини ерга қўйиб Баҳодир, — ярмига

шоколад, ярмига хўрозқанд экаман.

Даврон тешиб қўйган тўпини қўчадан олиб кирди:

— Дада, колтогим озиб қолди.

— Дада, ручкангизда мен ҳам ёзиб кўрай.

— Ма, ёзиб кўрақол... Нима деб ёздинг?

— Ажи-бужи.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

Подшо шўрва...

Пушкин Гётенинг машхур асари «Фауст»ни жуда чуқур билар, доктор Фауст ҳақидаги афсоналар тўплами «Халқ китобини ҳам батафсил ўрганган эди.

СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Дмитрий Благой ширининг «Фауст дўзахда» деган ҳозиргача номаълум бўлган қўләзмасини топди. Бу асар Гётеге эргашиб ёзилган эмас, балки теманинг мулкдор оригинал талқини бўлиб чиқди. Топилган парчалар юморга бой, кинояли тилда ёзилган бўлиб, дўзах даҳшатларини тасвир этмайди.

Бир парчадаги диалогга кўра, Фауст Мефистофельнинг думига ошилиб, дўзах қаърига тушади.

Дўзах эшигида ўлим «абдийликни қисқартириш» учун шайтончалар билан қимор ўйнаётган бўлади. Кейин Мефистофельнинг илтимоси билан Фаустни дўзахга қўйиб юборди. Фауст ўз йўлдаши билан катта қасрдан ўтиб, дўзахнинг қоң марказидан чиқади, бу ерда гуноҳкор бандаларни обижўшга солиб қайнатилётган экан. Фауст иўп гуноҳкорларни таниб қолади, кўрадини, шайтонлар подшошларни ҳам қозонга солишатибди, Яъни подшо шўрва... пишириляпти.

Шундай қилиб, Пушкин бу пародияга ўткир сийсиқ тус беришга интиланган.

ГУЛИНИГ ТИКАНИ

«Гулистон»имизда анвойи хил гуллар очилади. Биз уларни муштарийларимизга донм фахр билан кўз-кўз қилиб борамиз. Аммо «Гулни гул дерму киши, гулнинг тикани бўлмаса»...

Халқ ижодида кўп асрлардан бери яшаб келаятган бу ҳикматли сатр, афсуски, бизнинг замонда ҳам ҳали эскиргани йўқ. Шунинг учун журналимизнинг бу саҳифасида ўз қиёсасини кўриб қолган ўртоқлар биздан ўпқаламасин.

Кўрмайин босдим тиканини тортадурман дардини,
Кўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим дардини,
деган гап бор.

ШУНЧАКИ ЛАТИФА...

— Шамол бўляпти чамамда, — деди теракнинг учи қи-
мирлаб.
— Сен буни қаяқдан билдинг? — деб сўради шериги.
— Чунки, шамол бўлмаса теракнинг учи қилмирламайди,
дейишади, ахир.

Икки олифта қиз гаплашяпти:
— Юрган йигитинг ёшигини биладимми?
— Қисман.

Яна ўшалар:
— Уни биринчи кўришдаёқ яхши кўриб қолдингми?
— Йўқ, биринчи кўришда унинг «Волга»си борлигини
билганим йўқ эди.

Яна ўшалар:
— Хафа кўринсан? Чарчадингми?
— Ҳа, иш... эрталаб 9 дан кеч соат 5 гача. Атиги бир
соат танаффус.
— Анчадан бери ишляясанми?
— Энди кирсаммикин деяман...

— Биринчи емайман. Иккинчисига бир порци имло ха-
тоси беринг.
— ...Бизда унақа овқат йўқ.
— Менюга кўп экан-ку?

Адашиб композиторнинг эшигини қоқибман:
— Монтер шу ерда турадим?
— Йўқ, — деди композитор, — монтер икки парда ба-
ландроқда туради.

Поезд юриб кетгач, хотин купени кўздан кечириб, эри-
га деди:
— Ҳаммаси яхши... фақат пианино йўқ экан...
— Йинни бўлдингми? Поездда пианино нима қилади?
— Поездга олган билетларимиз пианино устида эди-да...

— Биродар, ўтган йил эллик сўм қарз олган эдинг,
эсингдан чиқди шекилли.
— Э, нега эсимдан чиқар экан, дўстим, ўтган йилдан
қолган энг ёрқин эсдалик шу-ку!

— Трамвай тўхтамасдан туриб сакраманг, акаси!
— Касалхонага шошайман.
— Э-ҳа, ундай бўлса сакрай қолинг.

— Журналга юборган ҳажвий романингиз нима бўлди?
— Чиқди, сал қисқариб...
— Кўзим тушмабди.
— «Латифалар» бўлимини қаранг.

ФЕЛЬЕТОНЧАЛАР

СУЗИ ВА УЗИ

Бир нотиқ неча юзлаб тингловчини озгига қаратиб, минбарда
тўлиб-тошиб ледция ўқимоқда эди.

— Ширинсуханлик инсон учун энг олий фазилатлардан би-
ридир. Чунки ширин сўз — ниши кайфиятини ҳар қандай губор-
дан муссаффо этади, танасини лйратади, — умрини узоқ қилади.
Ширин сўз тарихида «С» витамини бор, деган экан аллақайси
бир олим, Хуллас...

Шу он қоровул чол саҳнанинг орқа эшигидан бир пивёла чой
кўтариб кириб, уни минбарнинг ўнг биқиниё аста қўлётган
эди, лекторнинг қалтис бир ҳаранати билан минбар қимирлаб
кетиб чой тўқилди, лекциянинг ўқилган қисми ҳўл бўлди — зал
бир қалқиб тушди.

Нотиқ қозғоларини шошиб йиғштириб олди-да, шиддат би-
лан орқасидаги чолга ўғирилди; бир оз энгашиб туриб қаттиқ
швирилди:

— Роса аҳмоқ экансиз-ку! Дид-фаросат борми ўзи сизда ёки
ҳўкиздан тарқаганмисиз?!

Чол бир сўз демади. Икки қўли кўксига, бошини чапга хийл
эганича сенин чиқиб нетди.

Лекция қолган жойидан давом этди:

— Хуллас, ширин сўз умр озиги, инсон безагидир. Одамнинг
юзига боқма, сўзига боқ, деган мақолнинг заминида ботмон-бот-
мон ҳикмат борки, бу тўғрисида қуйида батафсил тўхтаб ўта-
миз...

РУЙХАТ

— Сиз «Миннат» сарлавҳали шингил ҳиноя асосида тайёр-
ланган бир лаҳзали лавҳани томоша қилдингиз.

Ролларни юқори синф ўқувчиларидан Шухрат Қодиров билан
Эрли Ҳанимовлар имро этдилар.

Режиссёр — Алижон Валиев. Рениссёр ассистентлари — Ша-
натжон Қобилов ва Кабиржон Олимов.

Операторлар — Салимжон Хўнаев ва Каримжон Ғаниев.
Овоз оператори — Турсунбой Муродов.

Смена инженерни — Жўрабой Омонов. Инженер ёрдамчилари —
Жўмабой Холдоров ва Мадамин Набиев.
Видеомагнитофонга кўз-қулоқ бўлиб турувчи — инженер Эгам-
назар Султонов.

Рассом — Иван Иванович Николаев.
Гримёр — Людмила Петровна Шаповалова.

Муҳаррир — Абдуллажон Қўлматов.
Тенстларни машинидадан чиқарувчи — икки «мақтов қозоги»
соҳиббаси Муслима опа Шодмонова.

Студия ходимларини чой-пой билан таъминлаб турувчи —
атоқли чойхоначи, учта раҳматнома кавалери Мамарайим тоғ-
Боборайимов.

Хоналарнинг тозалигини тиклаш ва сақлаш бўйича студияда
хизмат кўрсатган фаррош Собира хола Пайгамбарқулова смена-
си навбатчилик қилди.

Маъмур кўрсатишни эътиборингизга ҳавола этувчилар — Со-
лиха Фаттоҳова ва Тожибой Шодиев.

Шу билан, телестудиямиз бугунги эшиттиришларини тугатади.
Тунингиз хайрли ўтсин, хушвақт бўлинг.

Ҳа, айтмоқчи, ҳозир ўқилган руйхат тенстини тузувчи:

Анвар МУҚИМОВ.

Рассом М. Воробейчиков.

— Қўйвор дедман, қўйвор!
Турганимда нақ... эзворама!



Дордиқ пайтларида, кўрер. ва
шаҳар атрофларига саёҳат қилганда
зарур бўладиган нарсаларни —

Ёзлик ва чўмилиш қумлоқларида кийиладиган кийимлар
сафар сумкалари, саёҳат буюмлари
ёзлик пойафзал ва шиппаклар
юз ва қўлга суртиладиган упа-элик
фото ва киноаппаратлар, спорт анжомларини

Тошкент Марказий Универмаги (ЦУМ)дан
сетиб олишингиз мумкин.

Адресимиз: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 25-уй.





Баҳоси 30 тийин.
Индекс 75233.